



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиклик тамойилини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан

Дониёров Салим Мусурмонович — “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти бош муҳаррири

“Меҳнат шухрати” ордени билан Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович — “Жадид” газетаси бош муҳаррири

“Дўстлик” ордени билан Амангелдиева Раихан Қдирбаевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Нукус телерадиомаркази филиали тасвир ёзиш гуруҳи катта электр механиги, Қорақалпоғистон Республикаси Кенжаева Зоҳида Абдуллаевна — Тўрақўрғон тумани “Давр” газетаси муҳаррири, Наманган вилояти Матякубов Камол — “Адолат” газетаси муҳбири Миршарипов Фарходжон Арислонович — Фарғона вилояти телерадиоканали бош муҳаррирининг ўринбосари, Сўх телеканали гуруҳ раҳбари

Орипов Шухратжон Орип ўғли — “Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банкнинг ахборот хизмати раҳбари

Рахимов Абдижалоил Абдизиятович — Чиноз тумани “Чиноз ҳаёти” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент вилояти

Титчук Андрей Георгиевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканали ахборот-информацион дастурлар муҳарририяти монтажчиси

Уринбоев Сайдудлла Мардонович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va ma’rifat” телеканали телеоператорлар гуруҳи телеоператори

Хасанов Хайдар Хатамжанович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси директори ўринбосари

Хасанов Рўзимбой — “XXI аср” газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича муҳбири

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Нурматов Акбар Норматович — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ЮНЕСКО ва ихтисослашган медиа кафедраси мудир

Холбекова Баҳор Шайимовна — “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталарининг Сирдарё вилояти бўйича муҳбири

“Соғлом турмуш” медали билан Джумаев Ибраҳим — Навоий вилояти “Саломатлик” газетаси муҳаррири

“Келажак бунёдкори” медали билан

Ғиёсов Мирали Абдуллоҳ ўғли — Тошкент шаҳридаги “Sharoit plus”

нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳа менежери

“Шухрат” медали билан

Абилов Фазлиддин Ибрагимович — “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти бош муҳаррирининг ўринбосари

Авазов Дилмурод Батирович — “O‘riat Dono” радиоси мусиқа муҳаррири

Адилова Муножот Асроровна — “Daryo.uz” интернет нашрининг таҳрир бўлими мусахҳихи

Асанов Элдар Энверович — “Asanov formati” телеграм канали асосчиси, блогер

Аҳатов Собит Темирович — “Xabar.uz” интернет нашрининг ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўлими муҳаррири

Гапирова Нигора Умурзаковна — “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи муқоваловчиси

Джумаев Хидоят Иноятovich — Бухоро вилояти телерадиоканалининг ижодий ишлаб чиқариш гуруҳи телеоператори

Каршиев Азиз Ражабович — “Kun.uz” интернет нашри муҳаррири

Корбаев Шамшидин — Фарғона вилояти оммавий ахборот воситалари фахрийлар кенгаши фаоли, фотосуратчи

Мадатова Зилола Мухамадалиевна — “Маърифат” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Макаренко Никита Анатольевич — Ижтимоий тармоқлардаги “Effekt Makarenko” саҳифаси асосчиси, блогер

Маматрайимов Холмунин Норқобилевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Сурхондарё вилояти бўйича шарҳловчиси

Муминова Гулрух Комиловна — Самарқанд вилояти “Зарафшон” ва

“Самарқандский вестник” газеталари таҳририяти махсус муҳбири

Муслимов Шухрат Зикруллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston MTRK teleradiomarkazi” давлат муассасаси телевидение ва радио кўчма техника хизмати бошлиғи

Нур Аҳмад Ҳожибой ўғли — Тошкент шаҳридаги “SAS-Media” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Раббимов Камолиддин Муҳиддинович — “Kamoliddin Rabbimov” телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер

Рахимов Сарваржон Хамиджонович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси сиёсий шарҳловчиси

Рашидова Наргизахон Рашидовна — “Менинг юртим” телеканали эфирга узатиш бўлими муҳаррири

Сакаева Элина Ибрагимовна — “Gazeta.uz” интернет нашри муҳаррири

Саматова Салима Абдиназаровна — Касби тумани ахборот-кутубхона марказининг абонент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси, Қашқадарё вилояти

Хамидов Хайрулла Убайдуллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” ижодий бирлашмаси шарҳловчиси

Шерова Лазиза Шомилловна — “Ўзбекистон овози” газетасининг парламент фаолияти бўлими мудир

Якубожонов Нилуфар Ойбековна — Андижон вилояти телерадиоканалининг радио гуруҳи катта муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 июнь

БАТАН МАНЗУМАСИ

Рустам МУСУРМОН

ФАХРИЯ

Одам Отанинг наслига бешик бўлган тоғларим,
Мома Ҳавонинг васлига ошиқ бўлган боғларим,
Авлиёлар иси келган мўътабар тупроқларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Жайхун!
Сайхун!
Шаҳру кентларимга она бўлган сувларим,
Тупроқ қалъа, Аёз..., Элликқалъа бўлган сувларим,
Дехқон ерда ундирган илк дона бўлган сувларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Кундуз қуёш, кечалари ой берган-ей, ой берган,
Қирқ кечалаб кўноқ бериб, туй берган-ей, туй берган,
Меҳмонларга уй тўридан жой берган-ей, жой берган,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Қилич сермаб, ғанимлардан қасос олган даштларим,
Ёв бошини қонга тўлган мешга солган гаштларим,
Юракдаги гашларим-ай, қонимдаги шаштларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Қояларнинг қошларига парчинланган хатларим,
Қабрларнинг тошларига битилган ҳикматларим,
Элни севиб, юртни севиб ёнган азиз зотларим-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Чўпонларим боқиб юрган сурув-сурув қўйларим,
Яйловларда кишлаб юрган йилқиларим, тойларим,
Сигир соғиб, ўрмак ўрган сулувларим — ойларим-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Конларга кон, қумуш берган, тилла берган ерларим,
Тут оғочдан соз берган ҳам пилла берган ерларим,
Баҳор, кузу қиш берган ҳам чилла берган ерларим,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай, Ватаним!

Ватан учун жон аямас киши бор-ей, киши бор,
Елкасига қўнган Ҳумо қуши бор-ей, қуши бор,
Элим деган, юртим деган иши бор-ей, иши бор,
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,
Охувва-ҳай Ватаним!

ДИЛ ИЗҲОРИ



ТИЛАК ва ИСТАК

Журналистикага қизиқиш ўқувчилик йилларимдан бошланган. Ўша кезлари жуда кўп китоб ўқирдим. Китобга иштыёқ аста-секин ёзишга қизиқиш уйғотган. Юқори синфларда туман, вилоят ва республика газеталарига “далалардан дарақлар” тарзида мақола ва хабарлар жўната бошлаганман.

У пайтда таҳририятга келган ҳар битта мақолага, албатта, жавоб ёзиларди. Биргина хатнинг келиши нафақат мактабда, балки бутун қишлоқда шов-шув бўлиб кетарди: “Эй, фалончига фалон редакциядан хат келибди” деган. Одамларда матбуотга ишонч, қизиқиш кучли эди.

Нима учун эътибор шу даражада баланд бўлганини биласизми? Сабаби — қишлоқларда телевизор йўқ, фақат радио бўларди. Ҳар бир уйга почтачи бир қанча газета-журнал бериб кетарди. Одамлар кўп обуна бўларди-да. Эсимда қолгани, 7-синфда эдим шекилли, биринчи мақолам “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасида чиққан. Танқидий руҳда эди. Нашрлар ўз вақтида етказиб берилмапти, деган масалани ёзгандим.

(Давоми 2-саҳифада). ➤

ОНАЖОНИМ - ТАБИАТ!

“ЯШИЛ ДЕНГИЗ” ҲАЙРАТЛАРИ



Мундоқ дўппимни олиб ўйлаб қарасам, Ўзбекистоннинг мен борманган гўшаи қолмабди ҳисоб. Бироқ сўнгги йилларда Оролбўйларини ҳеч бориб кўрай демабман. Шу ҳаёлда тарихчи-олим Умид Бекмуҳаммад ҳамроҳлигида Мўйноққа отландим.

Йўлнинг раволигидан сафар машаққати сезилмади. Манзилга яқинлашар эканмиз, ранг-баранг гуллар, ям-яшил дарахтлар, бир-биридан кўркам иморатларга дуч келавердик. Ёшлар маркази, амфитеатр, музей, касб-хунар мактаблари, завод ва фабрикалар... Булар яқин беш-олти йил ичида юз берган улкан эврилиш

ва ўзгаришлар натижаси. Мўйноқда жазирамага қарамасдан ҳаёт завқи авжи палласида.

Бизни очиқ чехра билан кутиб олган “Оролқум” миллий табиат боғининг илмий ишлар бўйича мутахассиси Зарухан Матеева гурунгни бошлаб берди:

— “Оролқум” миллий табиат боғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 мартдаги “Ўрмон фонди ерларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан боғлиқ қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган.

(Давоми 5-саҳифада). ➤

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ўз замонасининг дарди билан яшамаган, халқнинг шодлиғию ғамини қалбан ҳис қилмаган инсон на чин фуқаро, на комил шахс бўла олади. Ватанга муҳаббат баланд даъволар, баланпарвоз ҳайқириклар эмас, аксинча, ҳеч бир таъмасиз унга хизмат қилиш, боболарнинг эзгу ишларини давом эттириб, улар ёққан чироқларни ўчирмай асрашда кўринади. Мана шу шарафни англаганларгина ўз илму салоҳиятини, борини юрт равнақи учун сафарбар этади.

“ТИРИКСАН, ЎЛМАГАНСАН СЕН...”

Улуғ шоир, мутафаккир, файласуф Паҳлавон Маҳмуд айтганидек:

“Қимдаки бўлмаса замона ғами,
Ё оламдан эмас, ё одам эмас”.

Жадидлар ана шундай масъулият туйғуси билан яшаган маърифатпарвар авлод эди. Бинобарин, уларнинг ҳаёти биз учун юртни севиш илми, уни ардоқлаш санъати, чинакам фарзандлик мактабидир. Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз Мирхалил Каримовнинг ҳаёт йўли — ўқитувчиликдан тортиб сиёсий ташкилотлардаги фаолиятигача — “Мен миллатим учун нима қилдим?” деган саволга жавоб, ибрат ўлароқ ўқилади.

Мирхалил Каримов 1902 йили

Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Афзал Каримов ўрмончилик билан шуғулланган, Тошкентдаги йирик савдогар Акбар Умарбоев қўл остида ўн етти йил мобайнида иш бошқарувчи сифатида хизмат қилган.

Табиийки, бу касб бир оиланинг дунёқарashi, иқтисодий салоҳияти ва муҳит билан боғланишини таъминловчи муҳим ижтимоий поғона эди.

Ана шундай муҳит ҳавосини туйиб вояга етаётган Мирхалил меҳнатда пишиди, ташкилотчилик ҳадисини ола бошлади.

(Давоми 7-саҳифада). ➤



Бошланиши 1-саҳифада.

Бутун мактабда шов-шув бўлиб кетди: “Фалончининг мақоласи чиқибди газетада!” “Тангалик болалар” фильмида Зокирнинг шеъри босилган газетани кўтарганча югуриб кетаяётган Достонни кўз олдингизга келтиринг. Жуда ҳаётий, самимий эпизод бу. Энг қизиғи, мен танкид қилган почтачи акамнинг яқин ўртоғи эди. Бир кун кўчада кўриб қолдим, салом берсам, алик олди-да: “Сен мени танкид қилиб ёзибсан-а? Менинг олдимга ўтгин, гап бор”, деди. Роса калтак есам керак, деб ўйладим. Лекин барибир бордим. Шунда у қулиб, “Жўрамнинг укасисан-да, бўлмаса танкид қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўядим сенга”, деганча юзимга синовчан қараб турди, кейин: “Ёзганинга пул келган”, деб қўшиб қўйди. Бу биринчи қалам ҳақим эди – бир сўму қирқ тийин. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Унинг қадри ҳам, ўрни ҳам бошқача бўлган. Бир кунли Аҳмедов деган ниҳоятда маданиятни, билимни математика ўқитувчиси “Газетада мақоланг чиқибди-я?” деди. “Ҳа”, дедим. “Нимага қайфиятинг йўқ, агар ёзганларингда асос бўлса, ҳеч нимадан хавфа бўлма, яна ёзгин. Фақат, ёзган нарсанг, у танкидий бўладими, мактов бўладими, асосли бўлсин. Ёлғон бўлмасин”, деди. Бу гаплар менга катта далда бўлган.

Шундан кейин турли газета ва журналларда мақолаларим чиқа бошлади. Мактабни битириб, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетининг журналистика бўлимига ўқишга кирдим.

Талабалик давримда “Ўзбекистон маданияти” газетаси тахририятига иш сўраб бордим. Бош муҳаррир ўринбосари Санжар Тилла деган одам суҳбат қилди-да, “Сени ишга оламиз, лекин ойлигинг камроқ бўлади”, деди.

– Мени ойлик қизиктирмайди, иш бўлса бўлди, – дебман.

– Отанг нима иш қилади? – деб сўради. Бир бой-бадавлат одамнинг ўғли шеклли, деб ўйлади чоғи.

– Отам ишламайди, пенсияда, – дедим.

Санжар ака менга ғалати қараб, бош чайқаб қўйди-да, қўлимга қоғоз ва қалам тутқазди.

– Ёз аризангни.

Хуллас, ишга олишди. Тўғриси айтишим керак, ана шу тахририят мен учун ҳам ҳаёт, ҳам ижод дорулфунуни бўлди. Бир умр у ердаги талабчан, қаттиққўл ва ўрни келса меҳрибон устозлардан миннатдорман...

вақтида муносабат билдирсин, бошқаларни ҳам ҳушёрликка чорласин. Демокриманки, зиёли ҳаётда катта фигура, етук шахс бўлиши лозим. Албатта, бурунги ва бугунги журналистика ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Совет муҳиtida ҳар бир қаламқаш ягона идеологияга бўйсуниб, чизилган қизил чизикдан чиқишга мутлақо ҳаққи йўқ эди. Акс ҳолда, боши балодан чиқмай қолиши ҳеч гапмасди.

лар қилаётганларга нисбатан “жадид” сифатини ишлатгимиз келмайди негадир. Янгилик қилаётган одам, халқни маърифатли қиламан деб қурашяётган шахс жадид бўлади-да! Бугунги замоннинг энг асосий, бош жадиди ким? Ҳеч иккиланмай Президентимиз Шавкат Мирзиёев дейман! Йўлбошчимиз бутун мамлакатни, жамиятимизни ижобий томонга ўзгартириб юборди. Янги Ўзбекистон гоёси сўзда ёки қоғозда эмас, амал-

Журналистларга яратилган имкониятни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Аммо, афсуски, айрим ҳамкасбларимизда изланиш, ўқиб-ўрганиш талаб даражасида эмас. Хусусан, сўзнинг маъносини тушуниш, ҳар бир калимани ўз ўрнида ишлатиш масъулиятини ҳис этиш борасида. Улар қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китобини қайта-қайта ўқиб, ёд олишса ёмон бўлмайди. Сўз заргарининг бу забаржад асари



Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

ТИЛАК ва ИСТАК

Гоҳида ёшлар “журналист кузатувчиси ёки иштирокчиси?” деб сўраб қолади. Бу касбнинг аниқ рецепти бормикан? Назаримда, ҳар икки жиҳат мужассам бўлиши керак журналистда. У жамиятда бўлаётган воқеаларни кузатиб, ўзининг хулосасини, фикр-мулоҳазаларини ёзади. Журналистнинг, умуман, ижод аҳлининг кузатиши бошқаларникидан фарқли бўлиши керак. Кузатув натижасини, ўзининг фикрини қўшиб, одамлар онгига таъсир қиладиган нималардир ёзади. Охир-оқибатда кимгадир ижобий таъсир кўрсатади, кимнидир тўғри йўлга бошлайди.

Аслида, журналист ижодкор сифатида фақат қалами билан эмас, ўзининг амалий, ижтимоий фаолияти билан ҳам жамият ҳаётида фаол иштирок этиши керак. Бунинг учун байроқ кўтариб чиқиши, бақир-чақир қилиши шарт эмас. Воқеаларга ўз

Бугун муҳтарам Президентимизнинг кенг қўламли ислохотлари журналистикага ҳам бевосита тааллуқли, таъбир жоиз бўлса, биринчи навбатда биз қалам аҳли ўзгаришлар моҳиятини халққа етказиш вазифасини-да уйдлашимиз керак.

Ислохотларнинг қўлами шу қадар кенги, инсоннинг ақли шошади. Баҳо беришга ҳам қийналиб қолади одам. Кимнинг ҳаёлига келган эди оқ пахтанинг қора меҳнатидан ўқитувчи-ўқувчилар озод бўлади деб? Очиғи, тасаввурга сиғмасди! Қаранг, кишлоқларимиз бу қадар обод бўлганию одамларга яратилган бекиёс шароитлар кимнинг тушига кирганди? Асосийси инсон қадри сиёсат даражасида юксак тутилаётгани! Булар ҳаммамизни ҳайратга солади, қалбимизда фахр-ифтихор туйғулларини жўштиради.

Бугун турли соҳаларда янгилик-

да рўй берапти-ку! Буни наинки халқимиз, дунё кўриб, эътироф этаётир. Яна қайтариб айтаман, маълум бир соҳалар эмас, барча жаҳода, жумладан, бизнинг соҳамизда ҳам қанча ўзгариш ва янгиликлар бўлди ва бўлмоқда. Очиқлик сиёсатини ким жорий этди? Шавкат Миромонович Президент бўлиб келган дастлабки кундан бошлаб шу масалани ўртага қўйди. Ижодкорларга, хусусан, журналистларга “Сизлар менинг ёрдамчиларимсиз. Жамиятимиздаги ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам бори-ча айтинглар, менга ёрдам беринглар. Фақат ҳалол бўлсин, тўғри ва адолатли бўлсин”, деди. Демак, зиммамизда жуда катта масъулият бор. Буни унутмаслик керак. Фақат очиқлик сиёсати имкониятларини суистеъмол қилмаслик зарур.

Давлатимиз томонидан одамларга ҳар тарафлама имкониятлар яратилляпти. Президент сўзи билан айтганда, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”. Ва бу амалда бўлмоқда. Лекин халқнинг ўзи ҳам, ўзбекча айтганда, олма пиш, озғимга туш, деб ётавермаслиги керак. “Давлат ёрдам берар экан”, деб боқиманда бўлиб ўтириш ярашмайди.

нафақат журналистнинг, балки ҳар бир ижодкорнинг столида туриши шарт. Журналистнинг қуроли тил, сўз.

Бу касб эгаларининг фикр доираси кенг бўлиши керак. Журналистларни ихтисослаштириш тарафдориман. Чунки “универсал” журналистлар кўпайиб борапти. Бугун санъатни ёзади, эртага саноатни, индинга тиббиётни, ундан кейин спортни... Ҳамма соҳани мукамал билиш мумкин эмас-ку. Ихтисослашган журналист ўзи ёзаётган соҳанинг нозик томонларини, ўзига хос хусусиятларини, мураккабликларини, муаммоларини чуқур билади ва ифода этади.

Умуман, одам журналист бўладими, бошқа касб эгаси бўладими, ўзи яшаётган жамиятда унинг ҳам масъулияти борлигини ҳис қилиши даркор. Шу жамиятнинг аъзоси сифатида атрофимизда бўлаётган яхши ишларга ҳам, камчиликларга ҳам дахлдор эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор деб, камчиликлар бўлса шу менинг ҳам камчилигим, деб қарашимиз шарт. Ўзини жамиятдан ташқарида ҳис қилиш мумкин эмас. Бу лоқайдлик бўлади. Лоқайдлик – энг ёмон иллатлардан бири.

Ижодкор енгил йўлдан юрмаслиги, манманликка, ҳо-ю ҳавасга, мукофоту унвонларга учмаслиги керак. Тилагим – ҳар бир журналистнинг қалами ўткир, баракали бўлсин, Аллоҳ ҳамма томондан омадини берсин.

Ҳамкасбларимиз, айниқса, ёшлар қанча кўп ютуққа эришса, мен шу соҳада озроқ меҳнат қилган бир инсон сифатида хурсанд бўламан. Газеталарни ёки телевидение, ижтимоий тармоқларни кузатиб, ёқадиган бирон нарсга ўқисам шодланаман. Баъзиларини қидириб, телефонда бўлса-да, табриклаб қўйгим келади.

Энди шундай байрам куни азиз устозларни ёдга олмасак бўлмас. Бу борада омадим келган десам бўлади. Профессор Лазиз Қаюмов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Асқад Мухтор ва Одил Ёкубовдек улғу адиблар билан бирга ишладим. Мен уларнинг ижодий маҳорати билан бирга инсоний фазилатларига: бағрикенглик ва заҳматқашлигига ҳавас қилдим. Айниқса, бир хулосам борки, ижодкор қанча буюк бўлса, шунча камтар ҳамда ҳалол бўларкан. Мен топган энг катта ҳикматлардан бири мана шу. Журналист издошларимизга ҳам ана шундай юксак мақомларга эришиш бахтини тилайман!

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
ёзиб олди.

ҲАМКОРЛИК

Икки йил аввал, 2023 йилнинг 12–19 октябрь кунлари Республика Маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилояти бўлими ташаббуси билан Урганч давлат университети, Урганч шаҳридаги “Маъмур” университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан бир неча олимлар Мўғулистонга экспедиция уюштирдик. Тўғриси, дипломатик алоқалар йўлга қўйилмаган мамлакатга бориш осон иш эмаслигини ўшанда билдик. Тошкентдан Улан-Баторга ҳаво қатновлари йўқлиги сабаб, Олмаотадан учишга тўғри келган. Қолаверса, борар манзилимизда бирон одамни танимаганимиз, ерли халқнинг маданияти билан таниш бўлмаганимиз учун иккиланашлар кўп эди.

Аммо... Биз мақсадимизда собит турдик. Чунки бизни буюк боболаримизнинг Мўғулистон ерларида қолиб кетган мероси билан боғлиқ муштарак гоёлар бирлаштирган эди. Мисол учун, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Бекзод Абдримовнинг изланишлари “Чингизхон даврида Туркистондан мажбурий олиб кетилган хоразмлик асирлар ва уларнинг тақдири”ни ўрганишга, тадқиқотчи Мардон Ҳасановнинг изланишлари “Маҳмуд Замахшарининг “Муқаддамат ул-адаб” асари мўғулча таржимаси тадқиқи”га, менинг изланишларим “Ўрхун ёзувлари тарихи ва лексикасининг тадқиқи”га қаратилган эди. Шу сабаб, иккиланашларни енгиб, хоҳон боболаримиз қони тўкилган “бегона” юртга кириб бордик.

У ерда Мўғулистон Миллий университети қошидаги Туркологик тадқиқотлар институти раҳбари Анхбайр Дану (ҳозир Мўғулистоннинг Туркиядаги элчиси) бизни кутиб олди. У Мўғулистондаги биз сиртдан таниган ягона одам эди. Анхбайр Дану араб, форс, турк, озарбайжон тилларини билгани учун бизга кўп ёрдами тегди. Унинг маслаҳатлари билан “Билга Хоқон”, “Тўнюқ” мажмуалари, Қорақурум тарихий музейи ва кутубхоналарда бўлиб, ўз тадқиқотларимиз доирасида муҳим маълумотларни қўлга киритдик. Экспедициямиз ниҳоясида Мўғулистон Миллий университетида “Биринчи ўзбек-мўғул конференцияси”ни ташкил қилдик. Бу конференция бизга “Туркологик тадқиқотлар институти” ва мўғул олимларининг тадқиқот йўналишлари билан танишиш имконини берди. Натижаларга кўра, ўзаро илмий ҳамкорликнинг истиқболлари белгиланди. Жумладан, шундай халқаро конференцияларни ҳар йили мунтазам ўтказишга келишиб олинди.

Натижалар ёмон бўлмади. Экспедиция-



дан кейин, Бекзод Абдримовнинг “Чингизхон босқини: Мўғулистонга олиб кетилган асирлар тақдири”, Мардон Ҳасановнинг “Мўғулистон ҳайратлари” китоби чоп этилди. Менинг “Jadid” газетасида “Ўрхун бўлариди хазина”, “Oyina.uz” порталида Тўнюққ ҳақидаги “Саккизинчи асрга экспедиция: Камситилиб улғайган болакайнинг 23 шаҳарни бирлаштирган қўмондонга айланмиш тарихи” номли мақолаларим эълон қилинди.

Мўғулистонда ўтказилган конференция қарорига кўра, кейинги йилда Ўзбекистонда халқаро анжуман ташкил этишга келишилган эди. 2024 йил 5-6 июнь кунлари Урганч давлат университети томонидан “Тарих ва филология соҳаларида ўзбек-мўғул илмий алоқалари” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Конференцияда етти нафар мўғул олими иштирок этди.

Бу конференция икки мамлакат олимларини яқинлаштирди. Шундан кейин биз янада кенгроқ қўламадаги конференциялар ташкил этишни, унга бошқа мамлакат олимларини ҳам жалб қилишни режалаштирдик. Шунингдек, ўзаро муҳокамаларда ўзбек олимларининг ЮНЕСКО базасидаги нуфузли глобал конференцияларда иштироки масалаларини ҳам маслаҳатлашиб олдик.

Бу орада Тошкентда Мўғулистоннинг

элчихонаси очилиб, ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилан олинди.

Улар орасида, илм-фан, маданият ва санъат йўналишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

2024 йилнинг 4 декабрь куни, Мўғулистон элчиси Дааданхуу Батбаатарнинг тақлифи билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори Ҳамидулла Дадабоев, “Тил ва адабиёт таълими” журнали бош муҳаррири Фаррух Жабборов билан бирга элчи хузурида бўлди. Элчи билан учрашув чоғида ўзбек олимларининг Мўғулистон билан боғлиқ тадқиқотлари, хусусан, Ўрхун ёдгорликларининг ўрганилиши, шунингдек, Ўзбекистонда “мўғулшунослик”нинг бугунги ҳолати бўйича мавжуд муаммолар ва имкониятлар муҳокама қилинди. Бир қатор муҳим ташаббуслар, жумладан, мўғул-ўзбек лўғатини ишлаб чиқиш, икки мамлакат ҳудудларида қўшма археологик, этнографик ва топонимик тадқиқотлар ўтказиш истиқболлари ҳақида суҳбатлашилди.

2025 йилдан Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги илмий ҳамкорликларнинг янги уфқлари қўрна бошлади. Йил бошидан, ЮНЕСКОнинг Номадик цивилизацияларни ўрганиш халқаро институти, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги

(ТИКА), ТУРКСОЙ шафъелигида Истанбул университети ва Мўғулистон Миллий университети томонидан 2025 йилнинг 30 июнь – 3 июль кунлари Қорақурум шаҳрида “Ўрта Осиё тарихида кўчманчи қабилалар ва ўтроқ халқларнинг интеграцияси (тарих-маданият-тил)” мавзусида халқаро симпозиум ташкил этилиши режалаштирилган. Туркия, Озарбайжон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Россия ва Мўғулистондан жами ўттиз кишининг иштироки назарда тутилган ушбу симпозиумга олти нафар ўзбек олимларининг илмий тезислари қабул қилинган. Бу албатта, ўзбек олимларининг ютуғи ҳисобланади. Чунки анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон илк марта иштирок этмоқда.

Симпозиумнинг ташкилий қўмита раиси, Истанбул университети профессори Қуршат Йилдирим ўзбек олимларининг бу иштирокини қўйидагича шарҳлайди: **“Мўғулистонда олиб борилаётган тадқиқотларда, илмий анжуманларда ўзбекистонлик қардошларимизнинг йўқлиги бизга улкан бир бўшлиқ қаби эди. Шугурки, қардошларимиз сафимизга қўшилди ва бағримиз тўлди. Энди, тадқиқотларимиз янада тугал ва мукамал бўлишига умид қиламиз!”**

Бу йил ҳам ўзбек олимлари Улан-Батор шаҳрига Олмаота орқали ўқишга тўғри келади. Чунки ўшанда Тошкентдан Улан-Баторга тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари йўлга қўйилмаган эди.

Ўтган йили Мўғулистон президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда 14 та ҳужжат имзоланган. Шу ҳужжатлар орасида туризм, ҳаво қатнови ва илмий ҳамкорликлар ҳам кўзда тутилган эди.

Тўғри, ўшанда Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги қўлай конъюнктура ёки барқарор муносабатлар шаклланмаганди. Бу ижтимоий-сиёсий-иқтисодий соҳалар билан бирга маданий йўналишга ҳам тегишли. Аммо ягона минтақадаги минг йиллик муштарак тарих, маданий мерос икки мамлакат ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини мус-

таҳкамлаш учун гаров бўла олади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух билан учрашув чоғида бу ҳақда ўз фикрларини баён қилди: **“Мўғулистон биз учун Осиё минтақасидаги анъанавий ва ишончли ҳамкордир. Ўзбекистон – Мўғулистон муносабатлари дўстлик, ўзаро ҳўрмат ва қўллаб-қувватлаш тамойилларида асосланган бўлиб, конъюнктурага боғлиқ эмас”**.

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари барча соҳа вакиллари, хусусан, олимларга ҳам ишонч бағишлайди. Инчунин, бугунги кунда Мўғулистонда чорвачилик, кон-металлургия соҳаларида илмий-тадқиқотлар ривожланган. Ўрхун дарёсининг водийларида қадимги туркий халқлар тарихи билан боғлиқ, ҳали очилмаган юзлаб манзилгоҳлар археологларни кутиб турибди. Ўрхун ёзувлари бўйича янги тадқиқотларнинг натижалари ҳам бизгача етиб келмаяпти.

Шу боис 24-25 июнь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг тақлифига кўра Мўғулистонга ташриф буюриши бошқалар қатори биз олимларни ҳам беҳад қувонтирди.

Президентлар учрашувида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қончили, транспорт соҳаларида ўтган бир йил мобайнида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди. Ҳамкорликни ривожлантириш бўйича янги ҳужжатлар имзоланди. Шу билан бирга, учрашувда маданий-гуманитар алмашинувларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда Улан-Батор шаҳрида ўтказилаётган Ўзбекистон маданияти кунлари, санъат ва туризм тадбирлари маҳаллий халқ томонидан юксак баҳоланди. Маълумки, бугунги кунда илму фан тараққиётини халқаро даражадаги ҳамкорликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тадбир доирасида олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантириш ва талабалар алмашинувида келишиб олингани бу борада муҳим қадам бўлди.

Энг қувонарлиси, жорий йилнинг сентябрь ойидан тўғридан-тўғри ҳаво қатновларининг йўлга қўйилиши, қуруқлик орқали ҳам қўлай логистик йўналишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилганидир. Ўйлаймизки, икки давлат раҳбарларининг саяё-ҳаракатлари орқали йўлга қўйилаётган бу каби ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб, юксалиб боради ва икки халқнинг дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилажақ.

Анвар БЎРОНОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



“ЭНДИ ИШЛАШ КЕРАК БУ КЕНГЛИКЛАРДА...”

Султон-ул улум Мирзо Улугбек таъбирича, “Риёзиёт ғоят бир юксак фанки, унда бир олам мўъжиза ётади”. Яна математикани “ақл-идрок мусиқаси”га ҳам қиёс этишади. Мумтоз математиклар аниқ фанлар мухлисларига турли манбаларда бир хил хитоб қилган экан: “Келинг, фикрлашни ўрганамиз!”. Дарҳақиқат, замонавий дунёда ушбу фаннинг аҳамияти ҳар қачонгидан кўра долзарб. Салоҳиятли ва ёш кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам шунга яраша.

Биз Ўзбекистон Фанлар академияси В.И.Романовский номидаги Математика институти директор ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор, “Шухрат” медали соҳиби Абдор ХУДОЙБЕРДИЕВ билан ана шундай масалалар хусусида суҳбатлашдик.

– Марказий Осиё ўтмишда дунёвий цивилизациялар туташган муҳим чорраҳалардан бири бўлиш билан бирга, ўзи ҳам тамаддун яратган минтақа ҳисобланган. Хусусан, бу заминда дунёга келган Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Ироқ, Мирзо Улугбек, Али Қушчи каби улуг олимларнинг аниқ ва табиий фанлар, жумладан, математика илми тараққиётига беқиёс ҳисса қўшгани бутун дунёда маълум ва машхур. Бироқ кейинги асрларда ўлкамизда иш бошқача тус олиб, илм-фан, жумладан, математика ҳам турғунликка юз тутди. Сизнингча, бунга нима сабаб бўлган? Умуман, илм-фан тараққиёти бардавомлигининг кафолати нимада?

– Фикрингизда жон бор. Инсониятнинг узоқ тарихи давомиди ривожланиш ўчоқлари у ердан бу ерга кўчиб юрган. Бизда ҳам Биринчи ва Иккинчи Ренессанс давларида мисли қўрилмаган ривожланиш бўлган. Афсуски, кейинчалик уйғониш Европага кўчди. Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Улардан бири денгиз йўлининг очилиши билан боғлиқ. Янги йўл Европа давлатларига иқтисодий ўсиш имконини берди, шунга қараб илм-фан ҳам ривожлана борди. Минтақамизда эса XVI-XVIII асрларга келиб аниқ фанлар мутлақо четга сурилди, десак ҳам бўлади.

Бу ҳолат XX аср аввалида, аниқроғи, ҳадидларнинг матрифатпарварлик ҳаракати бошланиши билан барҳам топа борди. Айнан шу даврда Ўзбекистоннинг кейинги илм-фан ютуқларига пойдевор қўйилди.

Очиги, собиқ тузум даврида ҳам Ўзбекистон математика бўйича пешқадамлардан бўлган. Аммо бизнинг фидойи олимларимизнинг бу соҳада эришган барча ижобий натижалари “қизил империя” номидан эълон қилинган. Ўша даврларда республикамизда Тошмуҳаммад Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сироҳиддинов каби ийрик олимлар етишиб чиқди ва ўз мактабини яратди. Биз истиқлол даврининг дастлабки ўн йилликларида ҳам маълум инқироз босқичини бошдан ўтказдик.

Президентимизнинг аниқ фанларни ривожлантириш йўлида олиб бораётган кенг қўламли ислохотлари энди янги даврни бошлаб берди. Вазифамиз – ана шу жараёни замон талаби даражасида давом эттириш. Бу йўлда бизга янги-янги ғоялар, йўналишлар ва билимга чанқоқ ёшлар керак бўлади.

Бугун юртимизда ёш истеъодлар учун катта имкониятлар яратилди. Ана шу имкониятларни юзага чиқариш йўлида Юртбошимиз: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунилари бўлиб хизмат қилиши лозим”, деган мақсадни илгари сурди.

Мана энди саволнинг иккинчи қисмига жавоб берса бўлади. Илм-фан ривожининг давомийлиги жуда кўп нарсага, аввало, давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ва минтақанинг иқтисодий барқарорлигига ҳам боғлиқ. Агар давлат барқарор бўлмаса илм-фанга маблағ ажратиш ҳам қийин кечади.

Қолаверса, таълим тизимини ривожлантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Тизим тўғри йўлга қўйилса, истеъодли олимлар яхши шоғирд, етук мутахассис етиштиради. Мухими, бугун давлатимиз томонидан математика соҳаси тизимини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

– Абдор ака, сиз 25 ёшда фан номзоди, 31 ёшда фан доктори илмий даражасига эришган экансиз. Қолаверса, илмий фаолиятингиз минтақамизда, туркий дунё ва халқаро миёсда ҳам алоҳида эътироф этилган. Математика соҳасига қадам қўйганингизга ҳам қарийб йигирма йил бўлибди. Шу давр мобайнида юз берган ўзгаришлар фаолиятингизга қандай таъсир қилди? Сизнингча, ёш математик олим учун қандай шароитлар керак?

– Ўзбекистон Миллий университетининг юқори



босқичида ўқиб юрганимда математика билан жиддий шуғулланишга қарор қилдим. Магистратурани тамомлаб, илмий ишга қўл урган пайтимда чет элга чиқиш имконияти пайдо бўлди. Ўшанда хорижий университетлар билан юртимиздаги ўқув юртларидаги шароитни таққослаб, ўртадаги фарқдан хайратга тушган эдим. “Биз ҳам қачондир шундай имкониятларга эга бўлармикимиз”, деган ҳаёллар билан юртга қайтганман. Бу – 2007 йилдаги гаплар.

Ҳозир биз ҳам ҳеч уялмасдан, тортинмасдан илмий ишларимизни дунёга олиб чиқяпмиз. Хорижий олимлар ҳам катта қизиқиш билан юртимизга келиб, тажриба алмашяпти, биздан ўрганияпти ва шароитларимизга ҳавас қилияпти.

Шароитда гап кўп. Аслида ҳамма олим учун ҳар хил шароит керак бўлади. Бу борада математикларнинг “инжиқлиги” анча енгил кечади: шинам хона, моддий-техник база, доска ва бўр, қоғоз ва қалам ҳамда оиласини таъминлашга етадиган маош бўлса кифоя. Авваллари бундай шароит, айниқса, етарли маош йўқ эди. Илм қиламан деган ёшлар камида иккита жойда ишлашга мажбур бўларди. Оқибатда илм-фандан чалғиб, фикр бўлиниб кетар, кўпчилиги ўзини пултопар соҳаларга уришга мажбур эди. Математикада, умуман, аниқ фанларда фикр чалғиса ёки бошланган ғоя қайсидир жойида чала қолса, келган жойидан давом эттириш жуда қийин бўлади. Жараёни яна бошидан бошлашга тўғри келади.

Мана, ҳозирги кунда олим бўламан, деган ҳар бир ёшга барча шароит муҳайё қилинган. Оиласининг моддий таъминотидан ҳам ғам чекмайди. Таниқли шоир Шавкат Раҳмон сатри билан айтганда, “Энди ишлаш керак бу кенгликларда”. Чунки ишламасликка баҳона йўқ.

– Илмий иш мавзусидан узоқлашмаган ҳолда яна бир савол бермоқчиман. Сиз ноассоциатив алгебралар ва уларнинг деформациялари бўйича тадқиқот олиб борган экансиз. Номиданоқ мураккаб йўналиш экани кўриниб турибди.

– Биз айни пайтда ноассоциатив алгебралар, уларнинг таснифлари, деформациялари ва бошқа хоссаларини ўрганиямиз. Докторлик илмий ишим уларнинг турларидан бири бўлган Лейбниц супер алгебралари, уларнинг таснифлари ва деформациялари ҳақида. Бу алгебралар аслида математика фанига физикадан кириб келган. Физиканинг қўллаб масалалари Ли алгебралари билан бевосита боғлиқ.

Ли алгебралари ўтган асрнинг ўрталарида ривожлана бошлаган. Кейинчалик фундаментал математиканинг тараққиёти натижасида Ли алгебраларининг бир қанча умумлашмалари пайдо бўлган. Биз ўрганган Лейбниц алгебралари ҳам Ли алгебраларининг умумлашмалари ҳисобланади. Уларни таснифлаш қайсидир маънода физика соҳасидаги тегишли жараёнларни таснифлашга тенг кучли ҳисобланади.

– Шу ўринда математиканинг ҳаётдаги аҳамиятига тўхталиб ўтсангиз.

– Математика биринчи навбатда инсонни мантиқий фикрлашга ўргатади. Бу фан шунчаки қўшиб-айиришдан иборат эмас, математика – фалсафий фикрлашни

ривожлантириш, бирор-бир масалага – хоҳ у ҳаётий бўлсин, хоҳ илм-фанга тааллуқли бўлсин, мантиқий кетма-кетликда тўғри ечим топиш деганидир.

Тадқиқотлар исбот этганки, мактабда математикани яхши ўрганган бола кейинчалик бошқа соҳаларда бемалол ўз ўрнини топа олади.

Ҳозирги кунда фундаментал математикадаги илмий натижаларнинг татбиқлари ҳақида гапирадиган бўлсак, жуда кўплаб математик аппаратлар, тушунчалар, физика-кимё ва биология масалаларидан келиб чиққан. Ана шу биологик масалаларнинг математик моделлари яратилган. Узоққа бормасдан, яқин ўтмишда юртимизда юз берган пандемияни олайлик. Институтиимиз лабораториясида математик моделлаштириш натижасида ана шу хавфли касалликнинг тарқалиш тезлиги, оқибатлари ҳақида илмий баҳоратлар тайёрланди. Бу эса пандемиянинг моҳиятини тўлароқ тасаввур қилиш ва унга қарши самарали кураш олиб боришда қўл келди, дейиш мумкин.

– Институтингизда олиб борилаётган илмий изланишлар ва эришилаётган натижалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Бизда еттита лабораторияда бевосита илмий изланишлар олиб борилади. Бундан ташқари, методик йўналишдаги лабораториялар ҳам мавжуд. Шу билан бирга, Президентимиз ташаббуси билан математика таълимига ихтисослашган махсус лаборатория ҳам очилган. Виллоятларда бешта бўлинмамиз фаолият юритапти.

Биз асосан алгебра, функционал анализ, дифференциал тенгламалар, математика-физика тенгламалари, эҳтимоллар назарияси, динамик системалар ёки нозичилик тенгламалар тизими каби фундаментал йўналишларда илмий изланишлар олиб борамиз.

Бундан ташқари, битта лабораториямиз бевосита амалиётга татбиқ қилинадиган тиббиётга оид масалалар билан шуғулланади. Олимларимиз бу борада кимё ва тиббиёт соҳаларига ихтисослашган институтлар билан ҳамкорликда самарали илмий изланишлар олиб боришмоқда.

– Мактабларда, олий ўқув юртларида математика фанининг ўқитилишидан сизнинг кўнглингиз тўладими? Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг савияси, профессор-ўқитувчиларнинг билими ва тажрибаси ҳақида қандай фикрдасиз?

– Бу жуда оғрикли савол. Чунки бизда шундай давр бўлдики, анча нарсаларни бой бердик. Айниқса, малакали кадрларни... Кейинги вақтларда мактабларда таълим сифати қандай, дарсликлар етарлими, деган масалалар жуда кўп кўтарилаяпти.



Аввало, болаларга яхши билим бериш бевосита ўқитувчига боғлиқ. Шунинг учун таълим сифатини яхшилаш ўқув қўлланмаларидан ҳам кўра кўпроқ ўқитувчи-мутахассисларнинг савиясини оширишга боғлиқ. Юртимизга малакали ва фидойи математика ўқитувчилари кўпроқ керак. Бу масалада ҳақиқатан ҳам жуда оқсапмиз.

Тўғри, ҳозир олий маълумотли мутахассислар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, аммо сифат кўнглидагидек эмас. Чунки мактабда яхши ўқимаган ўқувчи эртага олий ўқув юртида ҳам лоқайдлик ва эътиборсизлик билан таҳсил олади. У мактабда ҳам савиясизлик билан дарс беради. Мана, гап нимада... Ўзвий боғланадиган занжирни бошидан тўғри йўналтириш лозим. Бу жараён изига тушиши учун биров вақт керак бўлади, деб ўйлайман.

Тўғриси, математикага оид дарсликларнинг савияси ҳам кўнглидагидек эмас. Сабаби, дарслик зўр бўлиши учун уни ёзадиган, синовдан ўтказиб, камчиликларини кўрсатиб берадиган билимдон, тажрибали ўқитувчилар керак. Улар методик жиҳатдан тўғри, изчил ёзиши, уни малакали синовдан ўтказиши лозим бўлади. Ўқувчилар янги дарсликни қандай қабул қилаётгани, ўқитувчи қандай дарс ўтаётганини обдон ўрганиш ва зарур ҳулосалар чиқариш лозим.

Шу ўринда яна бир муаммоли масалани айтиб ўтишим мумкин. Масалан, бир дарслик услубида қандайдир камчилик аниқланди дейлик. “Бўлди, уни чеккага олиб қўйинлар-да, янгисини тайёрланглар” деган топширёқ бўлади. Бу жуда нотўғри йўл, чунки янги дарслик тайёрланса, ўз-ўзидан унда ҳам камчиликлар бўлади. Кейин яна янги дарслик ёзилади, унда ҳам камчилик бўлса, яна қайтадан қўлланма тайёрланади. Шунинг учун дарслик ёзишга ёндашувни ўзгартириш, бундай

масъулиятли вазифани пухта йўлга қўйиш керак. Ундан фойдаланган ўқитувчи камчиликлари бўлса аниқлаб, ўзгартиришлар киритиши лозим. Ана шунда, маълум вақт ўтгандан сўнг, мукамал дарслик пайдо бўлиши мумкин.

Фикримча, мактабларда математика фани бўйича битта эмас, бир нечта дарсликлар билан ишлашни йўлга қўйиш лозим. Масалан, ўрта мактабларда бир нечта қўлланмадан фойдаланиш орқали уларнинг энг яхшисини танлаб олиш ёки барча дарсликларнинг энг афзал хусусиятларини жамлаб, ягона қўлланма яратиш мумкин.

– Кейинги вақтларда юртимизда Муҳаммад Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ва унинг филиаллари очилгани, фан олимпиадаларининг савияси ва сифати оширилгани ўз натижасини бермоқда. Сиз ёшлар орасида математика фанини оммалаштириш учун яна нималарга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайсиз?

– Чиндан ҳам, бундай мактабларнинг ташкил этилиши истеъодли ёшларни кашф қилиш ва уларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Иқтидорли болалар учун махсус мактаблар қанча кўп бўлса шунча яхши. Чунки у ердан келажақда яхши олимлар, мутахассислар етишиб чиқади. Фан олимпиадаларида эришилаётган ижобий натижалар сони ортиб бораётгани ҳам ана шу эътиборнинг самарасидир.

Ёшларимиз орасида математика фанини оммалаштириш учун энг оммабоп мулоқот воситаси ҳисобланган ижтимоий тармоқлар имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш лозим. Турли илмий суҳбатлар, қизиқарли бошқотирмалар, ютуқли танловлар ўтказиш орқали ёшларни математикага кенгроқ жалб қилиш мумкин. Масалан, ўзим ёшларни илмга тортиш мақсадида икки йилдан буён Миллий университетда махсус гуруҳ тузиб, онлайн дарс ўтаман. Ана шу дарсларнинг видео нусхаларини ютуб тармоғидаги каналимизга мунтазам жойлаштириб борамиз. Дарсларимизда виллоятларда истикомат қиладиган ўқувчилар ҳам онлайн иштирок этмоқда.

– Сиз нуфузли халқаро илмий конгресслар ва анжуманларда кўп иштирок этгансиз. Бундай давраларда Янги Ўзбекистон илм-фани, юртимизда амалга оширилаётган изланиш ва тадқиқотлар чет эллик олимлар томонидан қандай баҳоланмоқда?

– Охирги сафарим Португалияга бўлди. У ерда Европа давлатларидан келган жуда кўп олимлар билан ҳам суҳбат бўлдим. Улар ўзбекистонлик олимларнинг илмий изланишлари, тадқиқотларидан бохабар эканини, хайрату ҳавасларини яширмай айтиб беришди. Яъни,

ҳозирги пайтда Ўзбекистон илм-фанининг дунёдаги мавқеи анча кўтарилган. Албатта, бундан фахрлансак арзийди. Лекин эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, янаям кўп изланишимиз ва тадқиқотлар олиб боришимиз керак, деб ўйлайман.

– Хўш, ўзбек ёшлари орасидан ҳам Григорий Перельман, Петер Шольце сингари математика даҳолари етишиб чиқиши учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

– Аввало, ёшларимиз мактабдан математикани севиб ўқишлари ва университетда ҳам яхши билим олишлари лозим. Бундан ташқари, математика фанининг халқаро даражадаги энг катта муаммо ва масалалари билан шуғулланадиган истеъодли ёш олимларни тарбиялашимиз зарур. Ёшларимиз оламшумул илмий масалалар билан шуғулланадиган олим бўлиш учун ўқиб-изланишдан бир зум ҳам тўхтамаслиги, халқаро майдонга чиқиши талаб қилинади. Хориждаги нуфузли университетларда таниқли профессорлардан таълим олиб, улар билан ғоя алмашишнинг аҳамияти жуда катта. Бугун чет давлатларда магистратура, докторантура йўналишларида ўқиётган умидли ўғил-қизларимиз анчагина. Келажақда уларнинг орасидан катта олимлар чиқишига умид қилиб қоламиз.

– Биз ҳам юртимиз номини шарафлайдиган, буюк боболаримизга муносиб алломалар вояга етишдан умидвормиз. Сизнинг тимсолингизда барча тадқиқотчи олимларимизга оғир ва манфаатли изланишларида барака ва унум тилаб қоламиз.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



“Миллатда ҳиммат аҳллари ва зиёлилар кўпайтурмак учун икки йўл бор. Бирин, миллий матбуотни тараққий этдирмак, иккинчиси, ёшларимизни мунтазам илм уйлариغا кирғузмакдир. Рауф МУЗАФФАРЗОДА”



30 ИЮНЬ – ЁШЛАР КУНИ

БАРАКАЛЛА, ШОҲИДА!

Шоҳида – жуссаси капалакдек нозик, аммо қатъияти бургутдек мустақкам Хоразм қизи. У ўзи байроқ қадаган чўққиларда бошқа ўзбек қизларининг ҳам яловларини кўришни истаиди.

“Мен ватандош опа-сингилларимнинг “шунчаки аёл...” эмаслигини бутун дунёга исботлайман!” Бу 30 дан ошиқ халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган ёшгина қизнинг баландпарвоз гаплари эмас, балки боши узра баланд кўтарган ҳаётини шiori. Эндигина 26 ёшга қадам қўйган Шоҳида мана шу эзгу мақсад йўлида эллик мингдан ошиқ хотин-қизни муваффақият сари эргаштириб олға кетмоқда.

Янгибозор туманининг Қаландардўрмон қишлоғида меҳнат билан кун кечирган заҳматкаш фермер май ойининг бошида дунёга келган митти қизалоғи кун келиб минглаб ўзбек аёлига бош бўлишини ҳаёлига келтирганмикин? Эҳтимол, қизалоғининг тили чиқиши билан унга шеър ёд олдириган, беш ёшга тўлиб-тўлмаган боласига китоб ташигани бежиз эмасдир...

Шоҳида ижтимоий ҳаётга жуда эрта кирди. 2011 йилда “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалида, 2012 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган “Болалар адабиёти кунлари”да фаол иштирок этди. Вақт ўтиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қошидаги Ёшлар парламентига Хоразм вилоятидан депутат бўлди. Мактабларда болалар ҳуқуқлари мавзусида семинарлар ташкил қилди. Улар орасидаги муаммоларни аниқлаштириб, дадиллик билан Қонунчилик палатасига олиб чиқди. Унинг мазкур тақдироти ёш сиёсатчилар орасидаги энг яхши тақдирот деб топилди.

– Бўйим пастроқ бўлгани учун ўшанда минбарда бошим кўринмай қолди, – қўлиб эслайди Шоҳида. – Оёғимнинг тагига курси қўйиб беришди. Аввалига бироз ўнғайсизландим, лекин қандай

бўлмасин ҳамма гапимни айтишим кераклиги менга куч берди. Илк марта ўзимни катта сиёсатчидай ҳис қилдим. Шу кундан бошлаб турли тадбирларда фаол қатнаша бошладим.

У аъло баҳоларга ўқиди, ижод қилди, биринчи шеърини китобини чоп эттирди, жамоат ишларида, фан олимпиадалари ва турли танловларда фаол қатнашди. Кўп ўтмай Зулфия номидagi давлат мукофотига сазовор бўлди.

Шоҳида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига ўқишга кирди, таҳсил давомида хорижий тилларни ўрганишга жиддий киришди. Кичик таржимонлик ишларига қўл урди. Университетда халқаро журналистика ва жамоатчилик билан алоқалар йўналишида ўқигани боис хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатди. Бир гуруҳ таллаба дўстлари билан Туркияда бўлиб ўтган халқаро конференцияга борди-ю, ҳаётининг асосий ўзанини топди. Ота-онасига совға харид қилиш мақсадида Истанбул дўконларидан бирига кирар экан, сотувчининг бир оғиз “ишлагани келганларданмисан?” деган беписанд саволи унинг иззат-нафисига қаттиқ теғди.

– Орим келди, саёҳатга келдингми, деб сўраса ҳам бўларди-ку, – дейди Шоҳида. – Чет элларда бизни фақат қора ишчи сифатида кўришмоқдами? Ахир, билими, ижоди, иқтидори билан дунёни лол қолдирадиган қанчадан-қанча ёшларимиз бор, деб ўйладим. Бўйимизни кўрсатишимиз учун жаҳон минбарига чиқмасак бўлмаслигини англадим. Бу минбардан бошимиз кўринмаса, оёғимиз тагига курси қўядиган давлатимиз борлигига ишончим қолмай эди.

Шоҳида ўша кунгидек ўзининг келажаги дастурини тузди, халқаро майдонда Ўзбекистон имижини учун бор кучи билан хизмат қилишни дилига туғди. Уни тарбиялаб вояга етказган ота-онаси

олдида ўзини қарздор билгани каби илк қадмларига кўксини тутиб тетапоя қилган Ватани олдида ҳам бурчли эканини англади. “Мен ўзбек қизларининг нималарга қодирлигини кўрсатаман!” деб ўзига сўз берди.

Ёшлар ташкилотларида кўплаб лойиҳалардаги фаол иштироки билан суяги қотган бу қизнинг юрагига тушган ўт машъалага айланди. Тўртта хорижий тилни мукамал ўрганди. Ўқиш, изланиш йўлидан бир лаҳза ҳам чалғимади. Таржимонликдан тил ўргатишга ўтди. Копирайтерлик, нашр ишлари билан ҳам шўғулланишни бошлаб юборди. 2021 йилда эса “Shine Qizlar Akademiyasi”га асос солди. Академияда тўрт тилдаги ўқув дастурлари, халқаро методика асосида курслар, имтиёзли дастурлар ва С1 даражагача билим берадиган мукамал тизимни шакллантирди. 500 нафардан ортиқ қизларнинг хорижий тилларни бепул ўрганишига имкон яратди. Улардан эллик нафарининг ишга жойлашишига ёрдам берди. Мунтазам равишда форум ва семинарлар ташкил қилиб, хотин-қизларни шахсий ривожланиш, ўз қобилияти ва истеъдодини намойён этишдан чўчимаслик, ҳар соҳада фаолликка эришиш, халқаро майдонга дадил кириб боришга тарғиб қилди. Халқаро антологиялар тузиб, уларни чоп этишга киришди, тақдиротларини катта контентларда ташкил этишга ҳаракат қилди. Бу антологияларда Ватандан олисда турли соҳада фаолият олиб бораётган минглаб юртдошларининг ижодий ишларини эълон қилиб борди.

Шоҳида Юсупова дунёнинг етакчи телеканаллари, халқаро форум ва медиа платформалар орқали ўзбек хотин-қизларининг юксак маънавий кучи ва ўқтам қиёфаси ҳақида туркум чиқишлар қилиб келмоқда. “Истеъдодли қизлар” – Озарбайжон, “Илҳомлантирувичи овозлар”

– Миср, “Ўзбекистон антологияси” – Хитой, “Ўзбекистоннинг умидли чечаклари” – Туркия, “Ўзбекистон қўшиғи” – “Amazon” платформаси халқаро лойиҳаларида унинг ташаббуслари бўйи кўрсатди.

– Бир йилда эллик мингга яқин хотин-қизлар дастурларимизда иштирок этмоқда, – дейди у. – Кўпчилиги билан юзма-юз кўришдим. Бугун уларнинг бир қанчаси форумларда қатнашиб, халқаро грант ва стипендияларни қўлга киритишпти. Озарбайжон ва Туркия давлатларида ўтказилган ҳамкорлик ва дўстлик фестивалларида эллик нафардан ортиқ ўзбек қизларининг иштирок этишига сабабчи бўлганимдан сўнаман. “Shine Qizlar Akademiyasi” – ҳар бир қиз учун катта имконият майдони. Юксак марралар сари илк қадамни ташлашга журъати етмай турганларни дадил бўлишга илҳомлантиришни ўзимга вазифа қилиб белгиланманман. Академиямиз аъзоларининг ҳар бирида бутун олам билгучлик билим, шижоат ва лидерлик қобилияти бор. Биз шуларни юзага чиқаришга кўмаклашялмиз, холос. Академиямиз қизларининг йигирма нафардан ошиғи давлат мукофотларига сазовор бўлишгани ҳам бунинг далилидир.

Ҳа, Шоҳида ҳар қандай қийинчиликда ҳам орзуларидан воз кечмайдиган, ўзига ишончи баланд ўзбек қизларининг етук образини яратяпти. Бу йўлда ўзи ҳам илдамлик билан янги поғоналарга кўтарилиб, уларга шахсий намуна бўлмоқда. У ўн саккиз ёшида Хиндистоннинг “Sahitya Shri” халқаро мукофотини қўлга киритди. Университетни тугатгунига қадар Миср, Туркия, Руминияда ўтказилган халқаро конференцияларда иштирок этди. АҚШдаги нуфузли Гарвард университетининг “Раҳбарлик ва бошқарув”, Берлин халқаро бизнес институтининг “Маркетинг ва коммуникация” йўналиши бўйича махсус



курсларида ўқиди. Дунёдаги энг қадимий олий ўқув юртиларидан бири ҳисобланган Италиядаги Сиена университетига “Халқаро маданий дипломатия” йўналиши бўйича магистратура босқичини тамомлади. Руминиянинг Одиссей халқаро фестивалида Гран-при соҳиби бўлди. Оксфорд университети ва Буюк Британия Лордлар палатаси томонидан ташкил этилган нуфузли танловларда ҳам ғолибликни қўлга киритди.

Бундан ташқари, бугун Шоҳиданинг “Shahide” аёллар учун либослар бренди ҳамда “Shiny travels” тур компанияси ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. У отасидан ҳалол ва тўғрисиқ бўлиш, ўз устида доимий ишлаш, ҳар лаҳзадан унумли фойдаланишни ўрганиб ҳам бўлмади. Оддий оиладан чиққан содда қишлоқ қизи ҳам тинимсиз ўз устида ишласа, чет элнинг энг нуфузли университетларида ўқиши, халқаро майдонда ўзини кўрсатиши мумкинлигини намойиш этди. Юзлаб ўзи кабиларга илғор фаолият учун амалий йўл харитасини чизиб, ўз қобилияти ва истеъдодини кўрсата олишларига маънавий пойдевор яратди.

Яна нима деймиз, баракалла, Шоҳида!

Мухайёр РУСТАМОВА



МИНГ ҚАРҒАГА БИР КЕСАК

Бугун биз ҳақоратламаган бирор ҳурматга лойиқ одам қолдими?!

Оломон шарафли кишиларни ёппа таларга қиришди. Гўё истеъдодли кишиларни ҳақоратлаган истеъдодли-ю, таланган истеъдодсиз бўлиб қоладиганди. У тадбиркорми, уламоми, санъаткорми, барчасининг шаънига турли гапларни айтиб, ҳақоратлади, сўқди, шу иши билан ўзини ботир санаб, бирданига бахтиёр бўлиб қолди.

Кўплар бундай ишларнинг ҳадисини олиб, тажриба орттирди, ижтимоий тармоқлар миллат улуғларини ҳақоратлаш учун “маҳорат сабоқлари” ўтиладиган қўлай воситага айлантирилди.

Энди кунда-шунда бирор кишини ҳақоратламаса бўлмай қолди. Бугун ижтимоий тармоқлар асаби таранг,

оғзига кучи етмайдиган одамлар билан тўлиб-тошгани ҳам бор гап.

Эслайсизми, ижтимоий тармоқда танкичи бир уламоннинг қўлидаги соати роса муҳокама бўлганди. Уятни бир чеккага қўйиб, соатнинг неча пул туришини, уни қандай олганини, совға қилинган бўлса, қайси хизмат учун эканидан гапни бошлаб, шу одамни холи-жонига қўйишмади...

Ҳолбуки, у кўплаб ёшларнинг никоҳини қийган, ажодларимиз ҳақига дуолар қиладиган, шу миллатни эзгу йўлга бошлаб турадиган чинакам маърифатпарварлардан эди.

Эл-улус танийдиган у зот бугун орамизда йўқ. У ибратли ҳаёт йўли билан кўпларга ўрнак бўлиб келарди. Аммо оломон шу одамни ёппа талар қиляётганда, “Эй барака топгур, инсофинг борми?” деб айтмадик.

Нега?

Нима учун?

Назаримда, уялдик, оғзи бузуқлар билан тенг бўламизми, деб ўйладик.



Нурилла ЧОРИ, журнал бош муҳаррири

Тўғри, бундай пайтда фаросатли одам борки, ўзини четга олади. Масалага аралашгиси келмайди. Аммо доно халқимиз “Минг қарғага бир кесак”, деб бекорга айтмаган. Қора қуюндан босган қаргани ҳам бир кесак билан қувгандек, гап-сўзининг тоши бор кишилар “лом-мим” деб қўйиши керак эмасми?

Негаки, оломончилик кайфияти миллатнинг дурдек фарзандларини оёқости қилиб кетаверса, бунинг бадали оғир бўлишини кўрдик, билдик...

ҚАДРИЯТ

(пиёз тилидан)

Ишим шудир аслида – Кўздан оқизарман ёш. Айримлар савол берав: – Нега қалбинг бунча тош?

– Айб мендамас, азизлар, Қилмангиз зинҳор таъна. Кўздан ёшни оқизиш Аждодлардан анъана.

КЕЧИКИШ

– Ҳар доимги вақтингдан Келдинг бир соат ўтиб. Ўғлим, нега кеч қолдинг? Кўзим тўрт бўлди кутиб.

– Ойи, бироз ёлғонга, Ўхшаяпти сўзингиз. Иккисин кўрдим, қани – Қолган икки кўзингиз?!



Сардор САЪДУЛЛАЕВ

“YOSHLIK” ЖУРНАЛИ – МЕҲМОНИМИЗ!

Бугун Интернет воситалари деярли ҳамма соҳада қўлланиляпти. Хусусан, адабий-таҳлилий фаолият тури бўлган адабиётшунослик ва адабий танқид учун ҳам Интернетнинг муқобил минбар вазифасини бажараётгани табиий ҳол. Хўш, ўзбекистонликлар қайси Интернет тармоқларидан фойдаланяпти? Янаям аниқроғи, қайси тармоқларда адабий-танқидий баҳслар кечяпти?

ЗАМОНАВИЙ МУНОЗАРА МАЙДОНИ

2024 йилда эълон қилинган адабий танқидга оид чиқишлар юзасидан мулоҳазалар

“Фейсбук” тармоғи фойдаланувчилар учун нафақат мақола эълон қилиш, айна пайтда у ҳақда бошқалар билан фаол муҳокама юритиш имконини беради. Ушбу тармоқда 2024 йили катта тажрибага эга адабиётшунос олимлар Абдулла Аъзам, Қозоқбой Йўлдош, Нурбой Жабборов, Улуғбек Ҳамдам, Санобар Тўлаганова, Нодира Афоқова, Жаббор Эшонкул, соҳада ўрин топиб бораётган Шахноза Назарова, Саъдулло Қуროнов, Акром Малик, Хушид Абдурашид, ижодкор-танқидчилар Гўзал Бегим, Шуккур Жаббор ва бошқаларнинг таҳлилий-танқидий мақолалари эълон қилинган. Бундан ташқари, расмий илмий даражага эга бўлмаган, адабиётга ихлоси ўлароқ адабий-таҳлилий қарашларини турли шаклларда баён этиб келаётган ҳамюртларимиз – уларнинг аксари ёшлар – ҳам бор.

Профессор Қозоқбой Йўлдошнинг “Эскирмас туйғуларнинг янги-ча тасвири” сарлавҳали мақоласида адиб Орзикул Эргашнинг “Оқар дарё” номли янги китоби ҳақида сўз юритилар экан, муаллиф, гарчи кўп қўл урилган мавзуда қалам тебратса-да, “кўпчиликка ўхшайдиган одамларнинг бошқа битиклардаги ўхшамайдиган қисматини ўзига хос йўсинда тасвирлангани”га эътибор қаратади. Олим Орзикул Эргаш асарларида образлар характери бетакорлигини (“ҳар бир образ фақат ўзигагина хос бўлган минаяга эга шахсиятлар сифатида акс эттирилган”), адабий қаҳрамон хатти-ҳаракатларини мантикий жиҳатдан асослашда қўниқилган қўлиқлардан юрилмаганини (“Адабиётимизда кўпроқ адабий қаҳрамонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати сабаб-оқибат асосига қурилган, ҳар бир персонажнинг тутуми қандайдир йўсинда мантикий изоҳланиши лозим бўлган бадий тасвир

усули қарор топган. Ҳолбуки, ҳар бир одам ўз ҳаёти давомида нега шундай қилганини тушунириб беролмайдиган бир дунё хатти-ҳаракатларга йўл қўяди”), шунингдек, хусусий маиший ҳолатлар орқали умумий миллий маънавий қиёфа ишонарли тасвирланганини далиллайди.

Ҳисобот даврида филология фанлари доктори Нурбой Жабборовнинг Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ижоди ҳақидаги “Шоирлари ёлғон айтса ўлади эл...”, Нодира Афоқова ижоди тўғрисидаги “Кимни сўнгги йўлга қузатдинг, дунё?...” сингари мақолалари эълон қилинди. Олим “Шеърятнинг, адабиётнинг мезони – ҳақиқат” тамойили асосида “Ҳақ ва ҳақиқатга зид асар қанчалик маҳорат билан ёзилган бўлмасин, ҳеч қандай қимматга эга бўла олмайди” деган ғояни илгари сўрди. Бунда асосий ўрнак улуғ шоирдан олинади: “Буюк Алишер Навоий бобомизнинг ижод концепцияси асосида ҳам ана шу мезон туради”. Муаллифга кўра, Усмон Азим шеърятда ҳам ҳақиқатга садоқат устувор ғоядир.

Ҳам олим, ҳам ижодкор Улуғбек Ҳамдам ижтимоий тармоқларда фаол. Ҳисобот йилида эълон қилинган Исмоил Ғаспираниннинг “Султонлар суҳбати” асари ҳақида “Бир асар таҳлили”, Анорнинг “Сирли меҳмонхона” номли қиссаси мисолидаги “Ўтиш даври – озарбайжон адабиёти кўзгусида”, Тилланисо Нурёғди ижодида бағишланган “Гул” ва “тош” билан кутиб олинган ижодкор, Абдулла Чимирзаев ҳикоялари таҳлилидан иборат “Айтири бор ёзувчининг келажаги бор”, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдош ҳақидаги “Синчи – ўқувчи ва бадий асар ўртасида бир кўприк” сингари мақолалари ҳам бунга мисол.

Шу билан бирга, Интернет



Отабек САФАРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

тармоқларида бадий асар таҳлилини ўзгачароқ йўсинда ифода-лаётган олимларимиз ҳам бор. Масалан, академик Абдулла Аъзам ўз битикларида адабий анъаналар, хусусан, аруз вази бадийияддан ёшларни кўпроқ хабардор қилишга эътибор қаратмоқда. Унинг Фейсбук тармоғидаги битиклари қисқа ва айтиш мумкинки, директива хусусиятига эга. Дейлик, Усмон Азим ижоди ҳақидаги мақоласида фикрларини бир неча бандда, рақамлар ҳолда келтириб, шоирнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборатлигига эътибор қаратади. Унинг фикрича, 2-банд: “Усмон Азим шеърятини чиндан ҳам маҳобатли, афсуски, у етарлича ўрганилган, тарғиб қилинган, дейиш қийин”. Ёки 4-банд: “Усмон Азим ўз ижодида шеърятнинг барча унсурларига беками ўст амал қилади”. Айтиш керакки, кўсат адабиётшуноснинг бундай ургули фикрларини схолас-тик тезислар деб бўлмайди, чунки у доимий равишда шеърят қонун-қоидаларига риоя этиш маданиятини амалий мисоллар билан тарғиб қиладди. Бу эса ўқувчилар, айниқса, ёшларнинг диққатини Усмон Азим маҳоратига қаратиши шубҳасиз.

Фейсбукдаги адабий мунозаралар ҳақида сўз кетганда яна шуни таъкидлаш керакки, бадий асарлар ҳақида китобхонларнинг муносабати, анъанавий шаклда, фақат оғзаки гурунларда қолиб кетарди, жуда кам қисмигина босма нашрларда китобхонлар фикри сифатида эълон қилинарди. Интернет бу борада ҳам ўзгариш ясади. Яъни, Интернет тармоқларининг яна бир ўзига хослиги – барча фойдаланувчилар ўзларининг шахсий муносабатларини билдира олишидир.

Мақоланинг тўлиқ матнини “Yoshlik” журналининг навбатдаги сонида ўқийсиз.



ТАРИХДАН САДО

“Тарихни ғолиблар ёзади” дейилмиш гап бор. Агарда ўша “ғолиб” босқинчи мақомида бўлса... бундай тарихга мағлубларгина эмас, маймунлар ҳам йиғлаши шубҳасиз.

Туркистондаги учта мустақил хонлик чор Русияси томонидан босиб олингач, худди шундай “ғолибона тарихлар” ёзилган. Босқинчи кўшин сафида келган турли мақом ва даражадаги олимлар ва кейинчалик ўлкани ўрганиш учун юборилган мутахассислар ёзган ва кўп нусхада чоп қилинган асарлар тарғибот воситаси сифатида ошиғич бошқа тилларга таржима қилинган. Кўпдан-кўп китоблар, йўлномалар, тадқиқотларда ошқора сохталиклар, вазият ва ҳақиқий ҳаётга бирёқлама қараш, уларни “синфий нуқтаи назардан баҳолаш”га уриниш ҳолатлари яққол кўзга ташланади. Таассуфки, ўша “ғолибона тарихлар”га деярли бир аср давомида ўзимиздан чиққан олимлар эътироз билдиришга журъат қила олмаганлар, аксинча уни “бирламчи манба” сифатида эътироф этиб, “эски кўшиқни” баралла жўровоз куйлаб юраверишган.

...1900 йили Тошкентда “Амударё очерклари” (“Қуйи Амударёда ер эгаллиги – Амударё бўлимининг Шўраҳон ҳудудида қишлоқ ҳўжалиги муносабатлари мисолида”) номли қалингина китоб чоп қилинган. Асар муаллифи О.Шкапский. Бу қимса мустамлака Туркистонга юборилган ўлкашунос бўлиб, ўз асарида ҳўжайинларни олдида қўйган вазифани ҳадди аълосида бажарган, кейинчалик илмий даражаси ўсиб, мукофотлар ҳам олган.

Шкапский китобида мустамлака давригача Хива хонлиги таркибида бўлган Шўроҳон беқлигидаги ер майдонлари эгалари, солиқ тўловлари, шунингдек, амалда мавжуд заминдорлик, ерни ишлашдаги ўзаро муносабатлар ҳақида сўз юритади. Ўзи ўрганган давр – XIX асрнинг охиридаги ҳолатни хонлик босиб олинган йиллардаги вазият билан “таққослайди”. Бунда Туркистон генерал-губернатори Кауфман томонидан Амударё бўлимига ер ва солиқ тизимининг ташкил этилишини ўрганиш учун 1875 йилда юборилган махсус комиссия тўппаган маълумотларга ҳам суянади. Шулардан келиб чиқиб, Шўроҳон беқлигида гўё ўзи тадқиқ қилган ер ва солиқ тизими ҳақидаги хулосаларни бутун хонлик ҳудудига тақайди.

Шкапский мазкур асарида хусусий ерларнинг ҳаммасини икки турга – “ёрлиқли мулк” ва “атоий мулк”ка бўлиб кўрсатади. Муаллиф фикрича, бу мақомдаги ерлар бир-биридан фарқ қилмасмиш. Аслида эса “атоий мулк” деб отамерос ўтадиган ерларга айтилади. “Ёрлиқли мулк” эса хон томонидан салтанат учун қайсидир



хизматлари эвазига инъом қилинган, яъни хон алоҳида ёрлиқ берган ерди.

Муаллиф ёзади: “Ҳақиқатда бунинг ўзи солиқлар тўлашдан бутунлай озод қилиб қўйишнинг эъгинасидир”. (Ўша китоб, 113-варақ).

Шу ўринда муаллиф ўзига ўзи қарши боради. Ваҳоланки, китобнинг 11-варағида муаллиф “...40-50 минг таноб ери бўлган кишилардан олиннадиган солиқ ҳар бир танобга 1 тийиннинг юздан бирига тўғри келади” деган иддаони илгари сурган. Ўша даврда руслар муомалага киритган пул бирлигининг 1 тийинига нега бу ўринда урғу берилмоқда? Мақсад аниқ – гўё “хонликда адолатсизлик ҳўкм сурган, хонга яқин мулозимлар катта ер майдонлари учун солиқ тўламаган ёки номига тўлаган” деган иддаони илгари суриб, шу орқали ўзлари “маданият ва адолат олиб келишгани”ни исботлашдир.

Мустамлакагача бўлган даврда – XIX асрнинг 50-60 йилларида хонликдаги ерлардан олинган солиқлар миқдори ҳақидаги архив ҳўжжатларида эса бошқача ҳолатга дуч келамиз. Хонликдаги ҳар бир қарич ер, яйлов ва табиий қўллар ҳисобда бўлган ва улардан амалдаги тартибга кўра солиқ ўндирилган. (Маълум маънода адолатсизликлар бўлганидан кўза юма олмаймиз). Зеро, солиқ ҳар бир давлат пойдевори негизи ҳисобланади.

Шкапский хонликда амалиётда бўлган аҳолининг “беватан”, “коранда”, “вақфкор”, “ижарадор”, “яримчи”, “чорикор” каби қатламларини тадқиқ қилишда ҳам кўп чалкашликларга йўл қўяди. “Деҳқон” тушунчасини “мулкдор” тушунчаси билан адаштириб, шундан келиб чиқиб, хулосалар беради.

Ўша давр ижтимоий ҳаётини кўз олдимизга келтирсак, шундай манзара намён бўлади: беватан – давлат, коранда – хусусий, вақфкор эса вақф ерларини ижарага олиб ишловчи илқида ери йўқ фуқаролардир. Шунингдек, заминдорлардан мавсумда ерни элликка-эллик тарзида ижарага олиб

ишловчи яримчилар ёки етиштирилган ҳосилнинг тўртдан бирига эғалик қилиши белгиланган чорикорлар масаласида ҳам шу қадар чалкашиб кетадики, бир ўринда шу тоифадагилар “маълум миқдорда солиқ тўлайдилар” деса, сал ўтмай ўз фикрини рад қилиб, “улар солиқ тўламас, солиқни ижарага берган ер эгаси тўларди” деган гапни айтади.

Юқоридаги тоифалар ҳақ-ҳуқуқларини қисқароқ тушунтириб ўтамиз.

Яримчи мақомидаги ижарачи заминдордан маълум таноб ерни олади. Бунда ер, унга ишлов бериш учун барча меҳнат қуроллари, сув ва табиий ўғитларни бериш заминдор зиммасида бўлади. Яримчи мавсумда ерни ишлайди, ҳосилини парваришлайди, йиғиштириб олади. Кейин умумҳосил икки томон ўртасида тенг тақсимланади.

Чорикорда бу бошқачароқ. Ер эгаси маълум таноб ери, меҳнат қуроллари, сув ва табиий ўғитдан ташқари чорикорга ҳар ойда маълум миқдорда маош тўлайди – кунлик овқатини ҳам зиммасига олади.

Шкапский “беватан” мақомидагилар борасида кўпроқ “адашади”. Унинг ёзишича, “беватанлар 14 440 ҳўжалик” эмиш. (Яна бир ўринда “мулкдорлар ва беватанлар 34 460 ҳўжалик” деган қайдига кўзимиз тушади).

Ўн тўққизинчи асрда “беватан” сўзининг икки хил: луғавий ва махсус маъноси бўлган. Луғавий маъноси – ерсиз, махсус маъноси – давлат ерларини наслий ижарага олувчи.

Бундан англашиладики, беватан мақомидаги фуқароларнинг уй-жойи, кичикроқ томорқаси бўлган, аммо экин ерлари бўлмаган. Улар давлат, яъни хонлик ерларини ижарага олиб деҳқончилик қилишган. Ижарага бир мавсум эмас, бир неча йилларга олишган, ер наслий, яъни фарзандларига ҳам шу мақомда ўтган.

Шкапский китобида беватанлар хонадони сони кўплигига алоҳида урғу бераркан, бу билан гўё “хонликда нафақат ерлик, балки уй-жойсиз

одамлар кўп бўлган” деган фикрни ўтказишга уринган. Агарда ўша даврда хонлик ҳудудида 600 минг киши яшагани, ҳар оилада ўртача беш киши борлигини инобатга олсак, ерсиз фуқаролар сони умумаҳолининг 10 фоиздан сал кўпроғини ташкил қилганини билиш мумкин.

Шкапский ёлланма ишловчиларни умумном билан “деҳқон” деб атайди: “Деҳқон – батракдир, яъни ер эгаси томонидан дала ишларига ва бошқа ишларга ёлланган ишчидир. Иш муддати, одатда, бир йил, иш ҳақи – деҳқонга кийим-бош ва 20-25 тилла пулдан иборат.

Деҳқонларнинг турмуш шароитларини уларга бир йилга бериладиган кийим-бошлар аниқ кўрсатиб турибди:

1. Битта чўғирма (попок)
2. Бир жуфт этик.
3. Битта тўн.
4. Битта белбоғ.
5. Битта ич кийим (кўйлак-иштон).

Туяларга қаровчилар яна бир донга пўстин олар эди. Катта ер эгаларининг зулмига дучор бўлган деҳқонлар (қарздор деҳқонлардан бошқа) ўзларининг иш шароитлари юзасидан уч гуруҳга ажралар эди:

Биринчи гуруҳнинг бир йиллик иш ҳақи 10 тилла эди. Бу гуруҳдаги деҳқонлар ёзда далада ишлаб, қиш кунлари гўн ташир эдилар.

Иккинчи гуруҳдаги деҳқонларнинг иш ҳақи 15 тилла бўларди. Бу гуруҳдаги деҳқонлар ёзда далада ишлаб, қишда ҳўжайинининг жувозини ҳайдашарди.

Учинчи гуруҳдаги деҳқонлар ёзда далада, қишда туя боқувчи бўлиб ишлар эди. Уларнинг йиллик иш ҳақи 25 тиллагача бўлган.

Деҳқонларнинг бир кунлик овқати: учта оби нон ва бир марта гўштсиз овқатдан иборат бўларди. Гўшти овқат ҳафтасига бир марта бериларди. “Деҳқонларни шундай эксплуатация қилиш” чор маъмурлари ўлкада тартиб ўрнатгунча давом этди...

Муаллиф шу ўринда мақсадини яширмайди – Хива деҳқонларини хонлик зулмидан эзилганига алоҳида урғу беради. Аммо ўша пайтда хонликда муомалада бўлган бир тилланинг қиймати қанчаллиги “эсига келмайди”. Хонлик зарб қилган тилла таркибида ўн грамм соф олтин бор пул бирлиги ҳисобланган. Ўша вақтда бозорда бир бош ҳўкиз ёки отни 6-7 тиллага харид қилиш мумкин эди. Бир тиллага икки-уч бош қўй берарди.

Биз шу ўринда “эзилган деҳқонлар”га берилган кийим-бош (ўша даврда пўстин хийла қиммат туришини айтამиз, холос) ва кунлик овқат қиймати ҳозирги ўлчамларда қанча туришини тахмин қиламиз. Туя боқишга ёлланган “бечора деҳқон” бир

йилда кийим-бош, кунлик овқатдан ташқари чорак кило олтинни иш ҳақиға олишига эътибор беринг. Бу бугунги олтин нархида ҳисобласак, қарийб 347 миллион сўмдан ошиқроқ бўлади. Бу рақамни кунликка бўлсак салкам бир миллион сўмдан тўғри келади. Ёмонми?

...Шкапскийнинг ўз китобида келтирган факт ва маълумотлар 1949 йилда чоп қилинган кўп томлик “Ўзбекистон тарихи” китобиға тўла қўчиб ўтган. Ушбу кўп томлик китоб устида ишлаган маҳаллий олимлардан бирортаси ақинда – оталари замонида амалиётда бўлган ҳолатни эшитган (айримлари болалик чоғларида кўрган бўлишлари ҳам мумкин) бўлсалар-да, эътирозсиз қабул қилиб, ўзларича “хонлик даврининг ҳақиқий тарихини яратишган”.

Тўғри, академик М.Йўлдошев 1959 йилда чоп қилган “Хива хонлигида феодал ер эғалиги ва давлат тузилиши” асарининг иккинчи бобида Шкапский китобида келтирган айрим ҳолатларни “чалкашиш”, “жузъий камчиликлар” сифатида таҳлил қилади. Муаллиф ер эгалари ва уларда ишловчилар тоифаларини адаштириб юборгани, “айрим ўринларда факт ва рақамларни факат бир ҳудуд – Шўраҳон беқлигидан олиб, уни бутун хонликка татбиқ қилгани”ни эслатади, аммо муаллифнинг бундан кўзлаган мақсади нима эканлиги масаласига келганида сукут сақлайди.

Мақсад эса юқорида эслатилганидек, хонлик тузумини зулмкор, адолатсиз кўрсатиш ва бунидунё ҳамжамиятига исботлаб бериш эди. Гўёки шу зулмга барҳам бериш, адолатни ўрнатиш учун келган чор Русияси босқинини хаспўшладан иборат бўлган.

Шкапский ўз олдига қўйган тадқиқот манбаларини осмондан олгандек гўё. Атай келиб, неча ойлаб Шўраҳонда тадқиқот-суриштирувлар ўтказган бўлганида хонлик даврида турли мақомларда ер экиб, рўзгор қозонини қайнатган кексалар ва ҳатто шу вақтда бевосита шу мақомда ерларни ижарага олиб, ишлаётган кишилардан сўраб-суриштириши керак эди-ку. Ёнида ерлик халқ тилини яхши биладиган тилмочи бўлгандир ахир?

Тахминимизча, бу “ўлкашунос” Амударё округи маркази Петро-Александровскдаги рус маъмурияти меҳмонхонасидан ташқари чиқмаган. Ҳар кун босқинчи зобитлар давраларида ичкиликбозлик қилиб, ўша маъмурлардан олинган хаёлий маълумотларни ён дафтарига қайд қилган ва Тошкентга қайтиб, қайсидир сўлим чорбоғда ўтириб китобини қоралаган.

Уни ҳатто Хива хонлиги архивидан

ўзига ўхшаган яна бир “олим” – Иवानов олиб кетган ер, мулк, солиқ миқдорлари кўрсатилган ҳўжжатлар ҳам қизқитирмаган. Қоғозлар тилсиз бўлса-да, ҳақиқатни гапириши мумкинлигини била туриб, тарихчи учун ўта муҳим бўлган тадқиқот манбаи – архив ҳўжжатларига мурожаат қилмаган. Сабаб – мақсади тарихни адолат андозасида ёзиш бўлмаган.

Асл ҳақиқатни кўрсатиш ўрниға тинимсиз “шап-шап”лаб, “шафтоли” дейишдан чекинган Шкапский ўзига-ўзи қарши борганини кўрсатиб берувчи асл маълумотлар хонлик архивида борлиги, уларни қиёсан солиштириш шартлигини “унутганини” бир рақам яққол кўрсатади. Ҳали хонлик босиб олинмасидан илгари Амударёнинг ўнг қирғоғида 1,8 миллион таноб ер бўлиб, унинг бир миллион таноби деҳқонлар қўлида бўлган. (Кауфман тузган комиссия хонликдаги 1850-1860 йиллардаги ер ээлигини ўрганган). 1890 йилға келиб оддий деҳқонларға тегйишли ер майдонлари икки ҳиссаға камайган. Бундан англашиладики, ўз илқиға ўтган хонлик ҳудудида адолат ўрнатмоқчи бўлган босқинчилар атиғи ўттиз йил ичида ерли халқнинг икки ҳиссаса қашшоқлашишға сабабчи бўлишган.

...Жадид боболаримиз яқин ва узоқ ўтмиши холис таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларни очиқ-ошқор кўрсатиб беришға киришганликларини улар мунтазам чоп қилган вақтдаги нашрлардаги мақолалар мазмун-моҳиятида кўрамиз. Тўғри, улар хонлик тузумини бирдан-бир адолатли бошқарув тузуми деб ҳисоблашмаган, аммо ўша тизимда кўпгина тармоқларда адолат ҳўкм сурганидан кўз юмишмаган. Айникса, қишлоқ жойларда мавжуд экин ерларининг тақсимланиши, улардан олиннадиган солиқлар, шаръий қонунлар ижроси қай даражада олиб борилгани ҳақидаги чуқур таҳлилий, мулоҳазали чиқишлари даврий матбуотнинг сарғайган саҳифаларидан туриб асл ҳақиқатни ҳали-ҳамон намён қилпяти. Жадидлар шу билан бирга, Шкапскийға ўхшаб “шап-шап”лаб тарихимизни атай бузишға уринган келгинда олимларға қарши фикр-мулоҳазаларини билдиришға журъат қилишган.

Афсуски, вақт келиб улар “бузғунчи”, “буржуазия тарафдорлари” каби тамағалар билан бадном қилинди. “Шап-шап”лашдан нариға ўтмаганларни байроқ қилиб кўтаришди.

Яна бир мулоҳаза: совет даврида исм-шарифларига “буюк” нисбаси қўшилган Бертельс, Бартольд, Кун каби шарқшунослар ёзган асарларни ҳам танқидий-таҳлилий ўрганиш вақти келмадимикин?

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

Бошланиши 1-саҳифада.

Умумий ер майдони бир миллион гектар. Боғ ҳудудига ҳар йили саксовул, юлғун, қорабароқ каби бутасимон ўсимликлар экилмоқда. Масалан, “Ахантай” ҳудудининг 250 гектарига саксовул кўчати экилди, 5 гектарида эса кўчат парваришхоналари ривожланмоқда. Шунингдек, бу ерда саҳро женьшени дея эътироф қилинган қистанхе ва жунғор қумсўтаси, қорамик каби минг дардга даво ўсимликларни учратишингиз мумкин. Ер юзида юлғуннинг юзга яқин тури бўлиб, бизда 12 таси ўсади. Бир туп юлғун ўн йил ичида 50-60 тупга айланади, уруғи шамолда учиб ерга тушса бас, баҳорда униб чиқаверади.

Ўзбекистон Экологик партияси Қорақалпоғистон Республикаси партия ташкилотлари кенгаши ижроия кўмитаси раиси Айсанам Бегимова ҳам гурунға қўшилади:

– Миллий табиат боғи масъуллари бир қанча истикболли лойиҳаларни амалға оширмоқда. Хусусан, жорий йилда ҳудудга 10 минг нафардан ошиқ сайёҳни жалб қилмоқчимиз. Бунинг учун 30 та доимий ва 100 та мавсумий иш ўрни яратилляпти. Кутиладиган даромад эса 1 миллиард 800 миллион сўм деб тахмин қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи директори Айжамал Юсупова бизни музей саёҳатиға таклиф қилди. Ташриф буюрувчиларни қизқитириш, уларға ҳудуд ҳақида батафсил маълумот бериш учун Мўйноқ экология музейи ҳамда Орол денгизи тарихи давлат музейи ишлаб турибди экан.

Экспонатлар орасида Мўйноқ туманидаги балиқчилик саноати, консерва комбинати иш жараёнини акс эттирувчи фотосуратлар,

“ЯШИЛ ДЕНГИЗ” ҲАЙРАТЛАРИ



“Орол жарчиси” дея таъриф этилган расомлар – Ф.Мадргазин ва Р.Матевосян яратган санъат асарлари, қорақалпоқларнинг XIX-XX асрдаги миллий кийимлари, меҳнат қуроллари алоҳида ажралиб турибди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Орол тарихи музейи эса табиат ва ҳайвонот дунёсига оид қизикarli экспонатларға бойлиги билан аҳамиятлы. Музейнинг ички дизайни ўтов кўринишида бўлиб, ташриф буюрувчилар учун Орол денгизи тарихига оид ҳўжжатли фильмлар, видеороликлар намойиш этилади.

Кечагина денгиз тўлқинлари тўш уриб турган сершовқин бандаргоҳ энди “Кемалар қабристон”га айлانгани қалбимизда ҳайрат ва ҳасрат ҳиссини қайта уйғотди.

2022 йили Кўнғирот туманида ташкил этилган умумий майдони 280 минг гектарлик “Борса келмас” табиат қўриқхонаси

ҳам сайёҳларни беэътибор қодирмайди. Қўриқхона ҳудудида 300 га яқин ўсимлик тури мавжуд бўлиб, шундан еттитаси “Ўзбекистон Қизил китоби”га киритилган. Саксовул ҳамда юлғун ҳудудининг қарийб ўн фоизини эгаллайди. Бу ерда сайёғок, жайрон, олакўзан, корсак тулки, ҳинд асалхўри, узун игнали типратикан, тўрт йўлли олачипор илон каби жониворлар яшамоқда. Шунингдек, қўриқхона тўда бўлиб юрадиган йўрға тувалоқ, бизқалдоқ, бургут ва қашқалдоқ каби ноёб қушлар учун қулай макон ҳисобланади. Маълумотларға кўра, “Борса келмас” қўриқхонасида аниқланган йигирма уч тур жонзотнинг ўндан ортиғи Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқининг қизил рўйхатиға киритилган.

Мўйноқдан бир олам таассуротлар билан саёҳатимиз йўналишини Бўзатов сари

бурдик. “Довудкўл” сув ҳавзасининг шимоли-ғарбида жойлашган “Оролбўйи” миллий табиат боғини айландик. Айни пайтда боғ ҳудудида 150 га яқин турдаги умуртқали ҳайвонлар яшайди, 15 турдаги судралиб юрувчилар, 116 турдаги қушлар ва сут эмизувчиларнинг 15 тури аниқланган. Шу жумладан, пушти сақоққуш, кичик қоравой, вишилдоқ оққуш, олақанотли ўрдақ, оқдумли сув бургути, катта бурун, Ўрта Осиё чўл тошбақаси, олакўзан ва бошқалар қатори қирғовуллар ҳам табиатға файз бағишлаб юрибди.

Сафаримиз давомида Оролбўйида ташкил қилинган “Судоче-Акпетки” миллий табиат боғи ҳамда “Сайғачий” ландшафт бюртма қўриқхоналарида олиб борилаётган бугунги залворли ишлар билан ҳам танишдик. Айникса, қарийб бир ярим миллион гектарда ястаниб ётган “Жанубий Устюрт” миллий табиат боғи билан боғлиқ янгиликлар кишини ҳайратлантиради.

Устюрт юртимизнинг киши энг совуқ ҳудудидир. Табиий тўсиқларнинг йўқлиги туфайли у ерга Арктика ва Сибир совуқ ҳаво массалари бемалол кириб келади. Шунга қарамай, бу гўшада ўсимлик, ҳайвонот ва қушларнинг ноёб турларини учратиш мумкин. Жумладан, қулон, сайёғок ва жайрон, ёввойи тўнғизларға дуч келасиз. Бу ерда, шунингдек, қушларнинг 100 дан ортиқ тури мавжуд. Шулардан 52 тури “Ўзбекистон Қизил китоби”га киритилган.

Сариқамш қўлида вишилдоқ оққушлар яшаётгани кишини ҳаяжонға солса, миллий

табиат боғида маҳаллий тилда “қизил ғоз” деб номланувчи фламинголарнинг қайтаётгани кўнгилға умид бахш этади. Шунингдек, бу ерда “семурғ авлоди” дея таърифланадиган қирғовул ва қакликларнинг ҳам кўпаяётгани қувонарли ҳол.

Яқинда Туркия давлатининг Эгей университети доценти Лус Ортас Онмус “Оролбўйи” Миллий табиат боғининг қушлар дунёсини ўрганиш учун келди. Чет эллик тадқиқотчи-олим қирғовулларнинг ҳўжа эргаштириб юрганини кўрганида “Бу эртанка ўхшайди! Ҳақиқий мўъжиза!”, деб хитоб қилгани рост.

Бупар нумадан дарак беради? Демак, йўқликка юз тутган денгиз ўрнида Юртбoshiмиз ташаббуси ва бевосита саъй-ҳаракати билан яшил макон яратиш бўйича қилинган ишлар ўз самарасини бераётир. 1,5 миллион гектарлик Оролбўйи ер майдонида ташкил этилган яшил маконда дарахтзорлардан иборат “яшил денгиз” пайдо бўлмоқда.

Давлат бюртма қўриқхоналари ҳамда миллий табиат боғлари эса ана шу қўқалмзорлаштириш ишларига кўмак бериб, экологик инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш, ҳалокат таъсирларини кескин камайитиришға хизмат қилади.

Ярим асрдан буён Оролқум дея тилға олинган бу жойлар энди Оролбоғларға айланяпти. Бу эса эртанги кунимизға ёрқин умидлар билан бирға ҳамжиҳатликда қадам ташлашға ундайди.

Эрпўлат БАХТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси



ЖАҲОН АЙВОНИДА

БОШ КОТИБНИНГ ТРАМПГА МЕҲРИ БАЛАНД

АҚШ президенти Эрон ва Исроил ўртасидаги урушни жанжаллашайтган болаларга қиёслаганида, НАТО Бош котиби Марк Рютте “дадалар баъзида койишга мажбур бўлади”, дея қўшимча қилган.



Рютте бу орқали Трампнинг НАТО саммитига жўнаб кетаётган пайтда Эрон-Исроил ўртасидаги можарога ҳақоратомуз муносабат билдирганига шаъма қилган.

ДИНИЙ БАЙРАМДА ОТИШМА

Мексиканинг марказий қисмида нишонланётган диний байрам вақтида содир этилган қуролли ҳужум оқибатида 11 киши ҳалок бўлди ва 20 га яқин одам жароҳатланди.



Расмийларнинг маълум қилишича, отишма Ирапуато шаҳрида, Яхё пайғамбарнинг мавлудини нишонлаш маросимида содир бўлган. Гувоҳларнинг айтишича, байрам иштирокчилари ўқ овозларидан ваҳимага тушиб, қочаётганда даҳшатли талотўп ва тартибсизлик юз берган.

Ирапуато шаҳар ҳокимияти ўз баёнотида бу ҳужумни “қўрқоқларча қилинган ҳаракат” дея баҳолади. Хавфсизлик кучлари айбдорларни қидиришни давом эттираётганини маълум қилди. Воқеадан жабр кўрган оилаларга ёрдам кўрсатилмоқда.

ҚОИДАЛАР ҚАТЪИЙЛАШАДИ

Португалиянинг ўнг “Демократик альянс”и (АД) томонидан тузилган хос ҳукумат фуқаролик ва миграция тўғрисидаги қонунларга бир қатор ўзгартаришлар киритиб, фуқаролик олиш бўйича қонунчиликни кучайтириш чораларини кўрапти.



Вазирлар кенгаши томонидан маъқулланган ва парламентга тақдим этилган қонун лойиҳасига кўра, фуқаролик олишга мурожаат қилиш учун мамлакатда яшашнинг минимал муддати 5 йилдан 10 йилгача оширилади.

Португал тилида сўзлашувчи мамлакатлар фуқаролари учун бу муддат 1 йил бўлади ва ҳисоблаш улар яшаш учун руҳсатнома олган пайтдан бошланади.

ҲАРОЙИБ ҲУЖУМ

Францияда кўча мусиқаси фестивали пайтида 150 га яқин кишига шприц санчилгани ҳақида мамлакат ички ишлар вазирлиги хабар берди ва камиди 12 нафар гунонланувчи ҳибсга олингани маълум қилинди.



Мамлакат бўйлаб миллионлаб одамлар ҳар йилги мусиқа байрамиди нишонлаш учун дам олиш кунлари кўчаларга чиққан. Пойтахт Парижда расмийлар жамоат жойларида одатдагидан уч-тўрт баравар кўп одам йиғилганини таъкидлашди.



Бехбудиининг “Фаргона хотиралари” “Тужжор” газетасининг 1908 йил 1 январь 17-сонида нашр этилган. Бехбудиий самарқандлик ҳамроҳи Абдулҳамид мутаваалли билан биргаликда эски Марғилон, Янги Марғилон (Скобелев), Хўжанд шаҳарларидаги усули жадид мактаблари билан танишади. Дарвоқе, Бехбудиий ушбу саёҳатининг бир қисmini “Фаргона хотиралари” номи билан “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1907 йил 30 декабрь 97-сонида эълон қилган эди. Унда муаллиф Андижондаги усули жадид мактаблари, бир қанча катта мадрасалар хусусида ўз хулосаларини баён қилади. Мақоланинг энг муҳим жиҳати Туркистон мактабларидаги таълим тили Фаргона, Самарқанд, Бухоро мактаблари мисолида ёритиб берилди. Қуйида эълон қилинаётган таълидда эса Бехбудиий табиатга хос қатъийлик, жадидона фаҳм-фаросат билан ўзига нотаниш ҳудудларда ҳам қоронғи зулматни ақл чироғи-ла ёритиб, ўзи ва ҳамроҳлари учун йўл топишдаги иқтидори яққол кўзга ташланади.

Нашрга тайёрловчи

Хўқанд ва Андижон саёҳатидан сўнгра 9 декабрда Марғилон шаҳрига ворид бўлук мактаби усули жадидийни сўроглаб топтук. Бир падали раҳмат киши ҳавлисиди бериб экан кириб кўрдук “эски ҳаммом ва эски тос” мақоли ҳар қаю ерғак мактаби жадид деб борар эдук. Жадиддан асар йўқ. Қаю жадиди у жадидга жиддан жадиддур. У жадидга илми қироат, тажвид ва илми ҳол, ҳисоб иншо жуғрофия, қироати туркий, форсий тарих ўқулатурган жадиди мунтазам мактабни ўзи эмас, сосяи тимсоли-да йўқ эди. Бу мактабни муаллимидан баъзи нимарсаларни сўрадук, аммо маатаассуф жавоб эшитолмадук. Хулоса эски Марғилонга кўрган мактабимизни фақат исми жадид ва ўзи эҳтимоли бузулган қадим бўлса. Чунки ялғуз “Алифбо савти” ила жадид бўлмас мактабдорига баъзи машварат ва икки нусха китобча бериб, эски мадрасалар сари бориб тафакхус этиб кечкурин қилиб, Янги Марғилон Искобилуф шаҳрига бордук.

Бу шаҳар ўрнини плани хейли васеъ ва мунтазам ва аммо ҳануз кам иморат суқанси оз экан. Ёз мавсумига бу шаҳарни об ва ла-тофати ҳаво ва назофати яхши бўлса керак. Фаргона облустини марказ ҳукумати бу – шаҳар жадиддур. Муниинг бир тарафига султонларга махус бир неча маҳалла ва боғлар ва беш-олти катта масжид бор экан. Шаҳар бозорини ичига бир катта жомеъ масжид, жево-

ЖАДИД МАТБУОТИ

27 июнь – мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот восталари ходимлари кун. Зотан, 1906 йилнинг айнан мазкур санасида Мунаввар қори Абдурашидхонов бошчилигида Исмоил Обидий муҳаррирлигида ўзбек журналистикаси тарихида илк миллий нашр – “Тараққий” газетасига асос солинган. Бу миллат зеилларининг эрк ва мустақиллик учун кураш йўлидаги биринчи сўз минбари эди.

Миллий матбуотга асос солингунга қадар Бехбудиий каби туркистонлик зиёлилар Исмоилбек Гаспираниннг “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган ғояга асосланган “Таржимон” (1883–1914) газетасининг муҳлиси ва муҳбири бўлишди. Туркистон зиёлилари газетани ўқиш билан бирга, ўзлари ҳам хабар, мактуб ва мақолалари билан қатнаша бошлади. Хусусан, Махмудхўжа Бехбудиий, Охунд мулла Мавдуд Оҳимов, Мирхусайн Миррахимов, Абдуқодир Шакурий, Ҳожи Муин, Қози Зиёуддин Махмуд ибн домла ва мударрис Файзраҳмат каби қанам ахллари бу борада фаоллик кўрсатди. XX аср бошларида вужудга келган янги ўзбек адабиётининг бир авлоди шу газетани ўқиб улғайди, фикри очилди, миллатни таниди, эркини кўмсади.

1905 йил чор ҳукумати октябрь манифестини эълон қилди. Матбуот ва сўз эркинлигига берилган бу ҳужжат Русия мусулмонларининг ижтимоий-сиёсий қарашларини бутунлай ўзгартириб юборди. Ана шу аснода биринчи ўзбек газетаси – “Тараққий” нашрдан чиқди. Унинг шиори “Нажот: маслакда сабот, тўғрилиқда ижобат” бўлиб, нашр маҳаллий аҳолига миллий зулм нималигини, чор империясининг мустамалкачилик бошқаруви моҳиятини англаштига ҳаракат қилди. “Таржимон” бу янгиллики биринчилардан бўлиб қутлаб, “Туркистоннинг бундай тараққийпарвар бир газетига қўлдан бери эҳтиёжи бор эди”, деб ёзди. Газета саҳифаларида “Мақсад ва маслагимиз”, “Тошканд, 14 июнь”, “Тошканд, 20 июль”, “Тошканд, 12 август”, “Бизнинг жаҳл – жаҳли мураккаб”,

ФАРҒОНА ХОТИРАЛАРИ

рига мактаби ва бир неча ҳужралар бордур. Мактабига кирдук, 50 нафардан зиёда шогирдлар бор эди. Муаллимидан берадурган дарсларини сўрадук, баъзи кутуби жадидни от тутди. Тариқи таълим ва тартибига қарадукки, Андижон ва Марғилон мактабларидан маънан беҳроқ эди. Жуғрофия ўқутмоқига, харита ол-дурмоқларига ва яна бир нафар халифа сақламоқига машварат бериб чиқдук. Муаллимни муллозода Муҳаммадини саъй ва ҳушёрлигига ва жамлаган баъзи китобларига қараганда бора-бора бир оз тараққий қилиши маъмулдур. Жевор масжидга бир янги иморат кўрдим, сўрадим. Маълум бўлдики, Ҳакимбой ҳожи Назармуҳаммад ўғли деган бир киши масжидга тегишли ерга ўз масорифи илан бир катта мактабхона солибдур. Харажоти минг сўмдан ўлса керак. Бир неча дўконлар ҳам солиб вақф қилмоқ хабарини эшитдим. Янги марғилонлик қариндошларим ва жаноб мурувватпеша Ҳакимбойга айтадурган сўзим шулки, ҳозирги мактабдорлари ҳушёр киши экан. Аммо эллик-олтмиш болани таълимига бир одам кифоя қилмайдур. Болаларни вазибаларини ортуруб яна бир муовин халифа олдурсалар яхши бўлур эди. Ва илпо бир одам қаранд аллома бўлса ҳам қўб болага ҳақинча таълим беролмайдур. Усули таълим китобларини фармойиши ва тажрибани натижаси шудур.

Мундан чиқиб яна темир йўли воситаси-ла Хўжанд шаҳрига озим бўлдук. Охшоми соат 10 Хўжанд ҳаттасидан пойтунга ўлтуруб шаҳарга мутаважжих бўлдук. Шаҳар ила вокзал ораси ўн бир қақирим ва мунинг тўқузи чўл ва учи “боғет” экан. Йўлга извошчиликини уйқуси элтиб йўлни бир оз адашиб бир неча чўқурларга йиқилиб, тикилиб, шаҳарга еткурди. Эртаси баъзи ошноларни кўруб, мазорларга дуо ва фотиҳадан сўнгра янги мактабга бордук. Уста Турсун деган бир киши яхши бир катта иморатини муваққатан мактабга бериб экан, элликдан зиёда болалар ўқумоқга машғул эди. Янги нимарсалардан алифбо, тажвид, ҳисоб ва бошқаси қадима савод китоблар экан. Мазкур Уста Турсун марҳум бўлган бўлса ҳам варасалари ани риояий руҳини қилиб мактабга жой берибдурлар. Аллоҳ ҳаммаларини раҳмат қилсун.

Бу мактаб муаллими ўрта ёш ва Ҳижоз, Истамбул, Ҳинд тарафларига саёҳат этган ва қироати туркийяга мохир, жуғрофия, тажвид ва мактабга керак илмларга ошно киши экан. Исми шарифи Ҳожи Мирхусайндур. На учун жуғрофия таълим бермаганларидан сўрадим. “Халқ қабул қилмайдурлар”, деди. Шогирдларни каттароққа оталарига ушбу илмини нофёзлигини тўғрисида баён қилмоқлари учун муаллимни мусоидаси-ла бир оз баёни нома бердим, аларни жуғрофия ва ҳисобга ташвиқ этдим. Бир-икки нусха китобчалар ҳада бериб чиқдук.

Ҳозирги Хўжанд ҳокими жаноб Ликшин тўра ила бир оз маърифатим борлиги учун

бориб кўриштук. Таржима қилган асарларидан бир-икки нусха ёднома бериб, бизни тақдим қилган асаримизни ҳам қабул қилдилар. Хўжанд шаҳри каноридан оқатурган Сирдарё Сайхун наҳри ва кўфругини саёҳат этиб, баъзи мадрасаларини кўруб сўнгра жуғрофия ва ҳайъат илмига ошно Мирзо Юсуф жанобларини кўрмоқ учун тажассас қилдукки, ватанларига йўқликларини ботаассуф хабар олдук. Баъдинда шоир ва адиби мукаррам Тошхўжа эшонни мулоқотларига бориб суҳбатлаштук. Хўжанд зурафоларидан қори Абдулғаффор, мулло Дўстмуҳаммад, мирзо Абдулрахмон ва ғайрилари оқшом соати етилларинда вокзал тарафига бизларни узотдилар. Соат тўққузга хуружкимизга машварат бердилар. Аммо рафиқим Самарқандий мулло Абдулҳомид мутавааллини роҳига қараб шитоб ила чиқтук. Пойтунга бир нафар хўжандий ҳам бор эди. Оқшом қоронги ва йўлда бизлардан бошқа киши йўқ. Хўжанд боғети орасидан кетар эдук. Бир очук саҳрога етиб аробамиз текис ерга суръат ила йўл олур эди. Хўжандий йўл ҳамроҳимиз вокзал ила шаҳар орасига ҳар замон ўғриллар каминга ва ҳафтада бир-икки мартаба ўғрилиқ, тарож ушбу саҳрога воқеъ бўлук туруши ва мундан бир-икки кун муқаддам бир-икки йўлчи молларини ўғриллар олгани ва шаҳарга тайин бир маҳаллага бир кишини ўлдурганларидан ҳикоят қилур эди. Бу сўзларни эшитиб ман ҳам вақтсиз билотаҳқиқ чикганимизга афсус қилиб ўзимизни ҳифзи Ҳақга ҳавола қилиб “Энди неки бўлса бўлур шаҳардан ярим фарсаҳ узоклаштук. Бу юруш бизларга дарс бўлсун алхайри мо санъа Аллоҳ” деб кетар эдук.

Бир замон пойтунчи дедикки йўлни йўқотибман. Хўжандий ҳамроҳимиз у тараф, бу тарафга қараб охири бир жиҳатни кўрсатдики, шунга қараб ҳайда деб. Вокзал чироғи кўрунмас эди. Ой қоронғи. Ҳаво совук. Пойтунда ношинош Хўжандий рафиқимизни қиёфати дуруст ва мухаввий киши эмас эди. Пойтунчи бўлса мазкур кишини кўрсатган тарафи йўлсиз гох урғох дўнг ноҳамвор ерлардан қитъа масофа этар эди. Ярим соатдан зиёда муддат қоронғи ва номаълум жиҳатга мутаважжихан от чопиб йўл олар эдук. Бир замон вокзал фонуслари кўрунди. Яна бир чорак соат қадар гоҳ сой ва гоҳ қирга кетар эдук. Диққат ила маълум бўлдики, фонуслар доим ўнг тарафимизга табибид этадур. Ман ҳамроҳларга дедим: керакки фонусларга мутаважжихан ҳаракат этсак, аммо бу кетиб турганимиз билъақ бизни истансадан узоклабдур. Ҳамроҳларимиз зам етдиларки, шул боришимиз дуруст. Яна бир оз кетдук. Қарадимки яна узоклашдук. Пойтунчини ницлаб дедим ақлингги бошингга келтур. Қўрқма шундай ишлар бўлур. Биларсанму қаю тарафга кетиб турубсан. Ана кўргил доим истанса фонусидан узоклашиб турубмиз. Ул аблах деди: “Хотиржам бўлунг ман сизни истансага еткурарман ва ушбу

бориб турган йўлунни биларман”. Ман дедим “Хайр билмайсан. Ўнг қўлга ҳайда ва илло яна узоклашурмиз”. Икки ҳамроҳим ила пойтунчи зам қилиб тўғри кетмоқга жабр етдилар. Яна бир чорак соат кетдук. Истанса чироғларидан ниҳоят узок туштук. Гоҳ кўрунар эди гоҳи йўқ. Оқибат яна туруб пойтунни ницлаб ҳамроҳларга дедим: эмди яна орқамизга қайтаримиз ва мундан бошқа илож йўқ. Алар ҳеч ваҳжсиз инод этиб қабул қилмадилар. Ман дедим алон муваққамиз ғаниматдурки фонуслар гоҳ кўрунур. Агарда рижъатни қабул қилмасангизлар ман тушиб пиёда шул чироқга қараб кетарман дедим. Алар қабул қилмадилар. Тушдум ва аларга яна эътидол ила фикримни билдурдум. Оқибат кўндилар. Эмди ўнг қўлга ароба ила юрмоқ номукин. Азбаски бир ноҳамвор эди яна на илож орқамизга қайтур.

Кўнгилга келатурган табиий бир ваҳм шул эдикки: саҳрога ўғри бўлса бизни адашганимизни пойтун чироғи ила мушоҳада этиб эҳтимол бизга таважжух қилса ва агарда пойтун чироғини сўндурсанг қоронгу ва ҳам гўгўрд йўқ эди. Бу фикрлар бошдан кечар эди шаҳардан хуружкимизга икки соатдан ўтди. Отлар ҳам чарчади. Ражаатимиз ҳам яна бериоҳа ва баъзи лой ва қўллардан аробамиз зўрга чиқар эди. Ярим соат қадар гоҳ ботиб, гоҳ ҳайдалган шудгорлардан кесиб ариғларга қамалиб охири сув қўллаган бир ерга ароба қолди, тушуб ашёларни ҳам аробадин олдук. Ароба бир оз жўналиб яна оти йиқилди. Ҳамроҳимдан бири отқа ёрдам берди ва пойтунчига аробини очмоқига буюруб ҳамроҳларга пиёда ва мазкур чироғга қараб юкларни кўтариб йўлсиз кетмоқга машварат бердим. Алар яна аробига ўлтуруб кетмоқни таржих қилар эди. Ман дедим хайр фи амануллоҳ. Биз пиёда кетдук, сизларни ўз ихтиёрингизга қўйдум деб қўябердим. Бир-икки дақиқа сўнгра алар ҳам биза тобеан қадам урар эди. Биз икки нафарни юкимиз бир хуржин икки путдан зиёда бир чамадон, уч путга яқин адиёб. Ҳаво совуқлиги учун бир путдан зиёда чакман ва пахталик тўнларимиз ҳам бордур. Маним орқамга хуржин ва рафиқим мулло Абдулҳомид мутаваалли тегишига мани юкимдин оғуруқ чамадон тушуб эди. Хўжандийни орқасига ҳам бир қитъа боғланган юк ва қўлига малированний чойники бор эдикки, қоқоғи осилиб чойникига уруб бизни кичкина пиёда қарвонга чараслик хизматини бир садо манга фоформлик ила килур эди. Ва агарда ўғри бўлса бизга жабр этар эди. Биз кетар эдук. Мазкур чойник садойи фоформини йўқ қилмоқни Хўжандийдан илтимос этдим. Илтифотга олмади. Охири қаттиг сўз ила исотга мажбур қилдим. Рафиқим мутаваалли латифа қилиб мустаҳзиёна кулар эди.

Самарқандий муфтий Махмудхўжа БЕХБУДХҲА ўғли

ТерДУ докторанти Нодира ЭГАМҚУЛОВА таълиди.

МИЛЛАТНИНГ

Ибрат каби зиёли, маърифат дарғалари бутун Туркистон ўлкасини курашга чорлади. Ва бунда миллий матбуотдан янги ислохотларни амалга ошириш маслагига бош минбар сифатида фойдаланди.

Улар илгари сурган мафкурада шундай муҳим ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий масалалар кўтарилдики, йиллар, салкам бир аср вақт ўтган бўлса ҳам бу умумбашарий ғоялар ўз аҳамиятини йўқотмади. Жумладан, замонавий илм-фан тараққиёти, илгор технологиялардан фойдаланиш, ислом динини қотиб қолган ақида ва бидъатлардан тозалаш, хотин-қизлар саводхонлиги, миллий адабиёт, матбуотни шакллантириш масалалари чуқур ва кенг тахлил этилди.

Жадидлар матбуоти, публицистикасининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари XX аср бошларида Туркистонда кечган ўта мураккаб ҳамда зиддиятчи ижтимоий-сиёсий воқеалар билан бевосита боғлиқ. Яъни, тарих саҳифаларига жадидлик ҳаракати ва жадидлар номи билан кирган илгор тафаккурли оқимнинг миллий матбуотни шакллантиришдаги буюк хизмати алоҳида аҳамиятга эга. Улар матбуотни миллатнинг умумдарсхонаси, фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлида хизматчи бўлмоғи учун баланд тутдилар. Газеталар орқали халқни кенг тафаккурли бўлишга, атрофга очик назар билан боқишга ўргатиш, уларни маънавиятли, маърифатли қилишдек эзгу мақсад йўлида бир восита деб қарашди.

Йирик жадидшунос Бегали Қосимов “Жадидлик ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маданий ҳаракатдир. Шунинг учун ижтимоийки, у жамятининг барча қатламларини жалб эта олди, миллий ўғонини идеологияси бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун сиёсийки, у мустақиллик учун кураш олиб борди... У маданий ҳаракат ҳам эди – адабиётни янги-



лади, матбуот ва театрчиликни йўлга қўйди, маорифда эса “янги мактаб концепцияси” билан чинакам инқилоб ясади”, дейди.

Туркистон жадидларининг дастури “хурият, озодлик, тенглик, адолат, ҳақиқат” каби муҳим ғояларни ўзида ифода этди. Энг аввало, мамлакатда қолоқлик ва хурофотни енгиш; тараққиётнинг янги усуллари яратиш, миллий давлатчилик бошқарув тизимини барпо этиш; конституцион ҳокимият асосида эркин жамяият тузишдан иборат эди. Тошкентда биринчи ўзбек адвокати Убайдулла Асадуллахўжаев бош муҳаррирликда чоп этилган “Садои Туркистон” газетаси эса жадидлар тузган Туркистон Мухторияти концепциясининг ғоявий минбари бўлган.



Бошланиши 1-саҳифада.

Отанинг савдода жонбозлиги бола онгида тихорат ишлари, тартиб-интизом, шунинг баробарида таълимга бўлган эҳтиёжни кун сайин ошириб борарди.

Мирхалил дастлаб қорихонада савод чиқарди. Унинг келажак йўлини белгиллаган асосий бурилиш 1914 йилда содир бўлди: болакай атоқли ўзбек маърифатпарвари, жамоат арбоби Абдулла Авлоний раҳбарлигидаги янги усул мактабга ўтиб, янги-ча таҳсил ола бошлади. Дегрез маҳалласида жойлашган мазкур масканда Мирхалил жадидлик ғоялари билан тобора яқиндан танишиб, диний ва дунёвий билимларни мукаммал эгаллади.

Авлоний каби маърифатпарвар устозлар таъсирида шаклланган бу руҳий-маънавий дунёқараш унда жамиятни ўзгартиришга бўлган масъулият туйғусини ҳам уйғотган эди. Октябр тўнтаридан сўнг Туркистонда сиёсий-ижтимоий муҳит кескин ўзгарган бўлса-да, маърифатпарварлар, жумладан, сиёсий қарашлари шаклланиб бўлган Мирхалил Каримов ҳам янги вазиятда фаолиятини такомиллаштириш йўлларини излади. “Мактабда ўқимок керак, аммо мактабдан чиққандан кейин янада кўпроқ ўқиш керак” деган ҳаётий ҳақиқат қаҳрамонимизнинг шиори эдики, у илмни нажот билди, жамият ривожини таълимда эканини англади. Бироқ... ана шу англовлар натижаси нима бўлди, дейсиз, азиз ўқувчи?

...Мирхалил Каримов 1919 йили ўн етти ёшида Тошкентдаги уч ойлик ўқитувчилар тайёрлов курсини якунлаб, янги усулдаги ўзбек мактабини ташкил этади. Мактабда 1921 йилгача раҳбарлик қилади. Бу тажриба уни халққа нафақат педагог сифатида танитди, балки жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаб, масъулият туйғусини янада кучайтирди.

Ўша йили у фаол жамоат арбоби, журналист Саид Ахрорий бошчилигидаги “Изчилар тўдаси” ташкилоти аъзолари сафига қўшилиди. Мазкур тузилма ўз вақтида Туркистондаги жадидлар фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутган. Ташкилотда у Мунаввар қори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов ва Ғулом Икромов билан суҳбатлар давомида маъ-



Салимхон Тиллахонов
(1890-1931)

рифатпарварлик ғояларини янада чуқурроқ англаб боради.

Шу тариқа, қаҳрамонимиз 1921 йилдан эътиборан турли давлат ва жамоат ташкилотларида ишга кенг жалб этила бошлади. Дастлаб, Тошкентдаги почта идорасида, сўнгра алоқа уюмасида хизмат қилади. 1923 йилдан унинг меҳнат фаолияти Касаба уюмалари иттифоқи, 1926 йилдан эса Самарқанддаги “Ўзбекистон совет касаба уюмалари иттифоқи”да давом этади.

1926–1930 йиллар оралигида у ВЦСПС (Касаба уюмалари Бутуниттифоқ Марказий Кенгаши)-нинг Ўрта Осиё бюроси раҳбари ўринбосари бўлиб ишлайди. Айни дамда ушбу лавозим Мирхалил Каримов учун миллат манфаатларини кенг қамровда истифода этиш имконияти ҳам эди. У ўз фаолиятида маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг она тилида иш юритишига шароит яратиш, туркий халқ вакилларини руслаштириш сиёсатидан асраб қолиш каби долзарб масалаларни кун тартибига қўйган.

1925 йил охиридаги бориб унинг жадидлар сафидаги фаолияти янги босқичга кўтарилади. У “Миллий истиқлол” деб номланган махфий сиёсий ташкилотга аъзо сифатида қабул қилинади. Ташкилот аъзолари жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, миллий сиёсатдаги зиддиятлар, марказдан юритилган зўравон мафкуравий босимларга қарши эркин фикр билдиришар, маслакдош зиёлиларни қидириб топиб, алоқа ўрнатар ва

мавжуд тартибни ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан асослаб танқид қилишар эди.

Ташкилот сафидаги фаолияти давомида Мирхалил Каримов ўзини амалий ҳаракатларда ҳам ташаббускор, масъулиятли шахс сифатида намоён этган. Унинг бу хислатлари 1926 йилда жадид бобомиз Абдулла Қодирини ҳимоя қилиш билан боғлиқ воқеаларда яққол кўринади.

Гап шундаки, ўша йилнинг июнь ойида “Муштум” журналида “Йиғинди гаплар” мақоласи чоп этилган, Абдулла Қодирий давлат арбобларини обрўсизлантирганлик айблови билан ҳибсга олинади. Бу воқеа жадидлар орасида жиддий хавотир уйғотади. Шу пайтда Самарқандда хизмат сафарида бўлиб турган Мирхалил Каримовга Салимхон Тиллахонов махсус мактуб йўллади. Мактубда Қодирий иши бўйича қўтилган суд жараёни ҳақида маълумот келтирилиб, жараёнда жадид зиёлилари иштирокини кенг таъминлаш зарурлиги таъкидланган. Унда баён қилинишича, “Жулқунбойга (яъни Қодирийга) қарши қўйилган айблов ҳеч қандай асосга эга эмас ва амалда бўлган “Матбуот эркинлиги тўғрисидаги” қонун ҳужжатларига бутунлай зиддир”.

Мирхалил Каримов тезда ҳаракатга тушаркан, бу ҳолатни жадидлар ва ёшлар орасида ёйинлайди ҳамда Қодирийга нисбатан бўлаётган ноҳақликларга жим қараб турмасликка қақириб, суд мажлисига ҳақиқатпарвар кишиларни жалб этиш учун ташкилий ишларга енг шимаради.

1926 йил 16 июнь куни Самарқандда бўлиб ўтган судда Қодирий икки йилга қамок жазосига ҳукм қилинади. Орадан бир кун ўтиб, ҳукумат ёзувчини озод қилиш ҳақида қарор чиқаради. Воқеан, бу жараён жадидлар бирдамлиги, маърифат ва адолат йўлидаги сазъ-ҳаракатнинг амалий натижаси эди. Шу ҳолатлар ортидан, кейинчалик ҳибсга олинган Салимхон Тиллахоновдан тергов пайтида Мирхалил Каримов ҳақида сўралганида у шундай дейди: “Ўзбек ходимлари орасида иш фаолияти жиҳатидан кўпчи-

ликдан устун туради. У ҳар бир ишга ақл билан ёндашади, унинг моҳиятига чуқур етиб боради ва натижаларини олдиндан ҳисобга олади”.

1930-йилларга келиб, жадидлар фаолияти совет ҳокимияти назарида тобора хавфли тус ола бошлади. Миллий ўзлиқни уйғотиш, она тилида таълим бериш ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай сазъ-ҳаракат ўша даврдаги тоталитар режим томонидан таъқиб, таҳ-



дид ва жазога сабаб бўларди. Ўшандай қалтис вазиятда Мирхалил Каримов каби шахсларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи алоҳида назорат остида бўлиши шубҳасиз эди.

1930 йил 17 июнь куни Мирхалил Каримов Самарқанд шаҳрида хизмат сафаридалик пайтида темирйўл вокзалида НКВД ходимлари томонидан ҳибсга олинади. Жараён мутлақо қўтилмаган ҳолда рўй бериб, унга ҳеч қандай расмий огоҳлантириш ёки жиноий иш очилишига оид асосий ҳужжатлар тақдим этилмади. У бирор гап-сўзсиз зумда Москвага – Бутирка қамоғига олиб кетилади...

Кейинчалик академик Наим Каримов “Чўлпон. Маърифат роман” асарида қатагон қурбони, жадид қаҳрамонимиз ҳаёти ҳақида қизиқ, ҳам аянчли маълумотларни келтириб ўтади. Унда тасвирланишича, Мирхалил Каримов жадид сафдоши Салимхон Тиллахонов билан

дастлаб Тошкент қамоқхонасида, кейин Москвадаги Бутирка қамоқхонасининг 30-камерасида сўнгги кунларини ўтказар экан, шоир Чўлпон ҳақида суҳбатлашишади: “30-камерадаги бошқа маҳбуслар Чўлпон шаънига қанчалик маломат тошларини отмасинлар яна бир зумда, ўз-ўзидан уни мақташга киришиб, дилларига ҳарорат бериб турадиган шеърларидан ўқишар, унинг ажойиб шоир, беназир драматург эканлигидан ифтихор ҳиссага тўлар эди. Мирхалил Каримов эса Чўлпонни Пушкин ва Байронга муқояса қилиб, унинг халқ шоири унвонига бир эмас, ҳатто икки бора муносиб эканлигини шавқ-заъқ билан айтарди”.

Шугина тасвир нафақат бир зиёлининг сўнгги ҳаёт лаҳзалари, балки бутун жадидлик ҳаракатининг ўлмас руҳи акс этган ойнадир. Қамоқхона деворлари ортида ҳам маърифат ҳақида гапириш, фикр орқали руҳни тирик сақлаш Мирхалил Каримов каби шахсларнинг ички қудрати, маънан баркамоллигини намоён этади. Бироқ шундай қатъият, журъбат, мардонаворликлари ортидан ҳам қамокдаги бир гуруҳ маҳбуслар РСФСР Жиноят кодекси 58-моддасининг турли бандлари билан жазога тортилади.


1931 йил 25 апрель. Таассуфки, отувга ҳукм қилинган ўн беш нафар маҳбус орасида жадид Мирхалил Каримов ҳам бор, ўшанда у бор-йўғи 29 ёшни қаршилаган эди.

ИЛДИРГИ: Қаҳрамонимизнинг рафиқаси Олимахон ва уч фарзанди “халқ душмани”нинг оиласи сифатида бутун умр таъқибда яшади. 1989 йилда, сиёсий қатагонлар қайта кўриб чиқила бошлаганда, суд ҳужжатларида Мирхалил Каримовга нисбатан қўйилган айбловлар асоссиз экани, жазога ноқонуний равишда тортилиб, ноҳақ қатл этилгани расман тан олинди.

Аммо...

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Насриддин Шоабдурасулов (Назир Фахриддинов) – 1898 йил 4 майда Сирдарёда туғилган. Отаси октябр тўнтарига қадар Тошкент ва Москва вокзалларида таниқли коммерсант бўлган. 1907–1910 йилларда муслмон мактабида ўқиган. 1910 йилдан 1914 йилгача рус-тузем мактабида таҳсил олган. 1918 йилда партияга аъзо бўлади. 1920 йили ўқитувчи, 1921 йили халқ маорифи мудири, 1922 йил ГПУнинг Сочи милиция бошлиғи ўринбосари, Сирдарё области ижроия комитети раиси, Туркистон ижтимоий таъминлаш халқ комиссари, Хоразм компартияси Марказий комитети иккинчи котиби, Хоразм революцион комитет аъзоси, ЎзКомпартия Марказий Комитети инструктори, Тошкент области партия комитети тарғибот-ташвиқот бўлими мудири, Тошкент область ижроия комитети раиси бўлиб ишлаган.

1928 йил апрелида Москвадаги Свердлов номли Коммунистик университетга ўқишга юборилган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан 1937 йил 18 августда ҳибсга олинган. “Миллий иттиҳод”нинг собиқ аъзоси сифатида айбланиб, СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг Тошкентда 1938 йил 4 октябрда бўлиб ўтган сессиясида отувга ҳукм қилинган.

Сайдулла Мирзаев – 1892 йили Бухоро округи Хонқа қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1930 йил 11 март куни Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси ваколатли вакиллиги томонидан ҳибсга олинган. У “Миллий иттиҳод” акселинкўлибий ташкилоти фаолиятида иштирок этганликда айбланган.

Сайдулла Мирзаев 1930 йил 16 апрелда РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 10-қисми 2-бандида назарда тутилган жиноий ҳаракатларни содир этганликда айбдор деб топилиб, “Учлик” қарори билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 1932 йил 7 ноябрда жазони ўташ учун Коми АССРдаги Ухта-Печора меҳнат-тузатув лагерига жўнатишган.

Турғунпўлат Исабоевич Қирғизов – 1899 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1918 йили сентябрь ойидан қизил армия жангчиси, Наманган муслмон партизанлар дружинаси командири, В.И.Ленин номидаги Туркистон ҳарбий инструкторлар мактаби курсанти, Махсус Хоразм ўқчи баталони рота командири, Хива шаҳри ва Хива райони гарнизони бошлиғи, Хоразм Халқ Совет Республикаси Ҳарбий вазир котиби, Хоразм Инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси, В.И.Ленин номли Бирлашган Ўрта Осиё ҳарбий лагери, 250-ўқчи штаби бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган.

1930 йилда ОГПУ томонидан “Миллий иттиҳод” акселинкўлибий миллий ташкилоти таркибида фаолият кўрсатганликда, қизил армия сафидан чиқиб Осоавиахим ўлка совети марказий ўқув комбинатида (Тошкент) дарс берганликда айбланган.

1937 йил 29 майда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан қамокга олинади. 1938 йил 4 октябрда СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси Тошкентдаги сайёр сессия қарори билан отувга ҳукм этилган.

Эргаш Бойхамбоев – 1900 йили Наманган шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1923 йилдан совет партияси органларида ишлаган ва кейинроқ Ўзбекистон саноат кенгаши раиси вазифасида ҳам хизмат қилган.

“Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлгани учун 1937 йил 8 ноябрда ЎзССР Ички халқ комиссарлиги 4-бўлими томонидан ҳибсга олинган. “Миллий иттиҳод”нинг фаол аъзоси, босмачилар тўдаси қўрбошиси Омон полвон билан алоқада бўлганликда, Марғилон шаҳар партия комитети котиби сифатида колхозларга қулоқ ва босмачи унсурларни жойлаштирганликда, совет ҳокимияти органлари таркибидagi туҳматчиларга қарши кураш олиб борганликда, Акмал Икромов ва Содиқжон Болтабоевнинг алоҳида ёрдамида таянганликда айбланиб, 1937 йили 11 ноябрда 10 йил меҳнат тузатув лагерларида ҳукм этилган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).

УМУМДАРСХОНАСИ


Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Ҳамза, Мирмуҳсин Шермухаммедов, Абдулла Қодирий, Нуширавон Ёвушев, Фузаил Жонбоев, Ҳожӣ Муин, Шокиржон Раҳимий каби қалам аҳли “Матбуот – бош ислохотчи бўлиши керак, матбуот – миллат ойинасидир, маърифат – миллатнинг ҳаёт-мамоти, ҳуқуқий саводхонлик – тараққиётимиз асоси” каби илгор ғояларни илгари сурди. Жадидлар миллий матбуот саҳифаларида: “...ҳар бир мамлакат халқининг тараққий ва таназзули, ҳаёт ва мамоти мактаб масаласига боғлиқдир” ёки “Бизнинг бу жаридаимиз Туркистон мактабларининг аҳволини ислоҳ ва ҳуқуқини мудоффаан максади-ла чиқарилганлиги учун бунда энг кўб баҳс қилинадургон масала ва энг муҳим саналадургон мақола шул мактаб тўғрисида бўлур”, дея аниқ мақсад ва маслагини эълон қилди. Улар қашшоқлик, фикрий турғунлиқни маърифатсизлик оқибати деб билдилар.

Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов биринчилардан бўлиб, янги усул мактаблари ташкил этди ва

ўқувчилар учун дарсликлар ёзди. Иккинчи қадам миллий адабиёт масаласи бўлди. “Халқ фойдаланурлик янги асарлар йўқ. Нашр қилувчилар ҳам йўқ. Ёшларимиздан ХХ аср мевасини кутмак учун бутун асослари ила ислоҳ қилинмак лозим”, дея шаклланажак янги адабиёт майдонига катта умид билан қарадилар.

Учинчи муҳим масала миллий матбуотни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масаласи бўлди. Матбуотга таянган жадидлик ҳаракати маҳаллий аҳоли вакиллари орасида жамият бошқарувини яхши тушунадиган зиёлилар қатлами шакллантирди. Улар “Эҳтиёжотимизни музокара қилмак мақсади ила матбуот саҳифалари очилди. Ҳолбуки, миллатда бўлган кўрқинчли касалликларни ҳар вақтда англаб, аларга шифо изламак миллий матбуот вазифасидур. Унинг ҳуқуқига тажовуз қилмакка ҳеч кимнинг ҳақи йўқдур”, дея матбуотнинг муҳим вазифасини белгилаб беришди.

1907 йил 11 ноябрдаги “Тужжор” газетасининг 11-сонида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Газет надуру?” сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Муаллиф мақолада матбуотнинг,



хусусан, газеталарнинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини чуқур таҳлил этган. Бехбудий чоп этилаётган миллий нашрлар бутун бир миллатники эканлигини алоҳида таъкидлаб, сармоядор бойлардан кўмак ва ёрдам беришларини сўрайди: “Мажалла бизники эмас, миллатникидур. Сўйланатурган сўзлар шахсий эмас, умумийдур, ғурурий эмас, динийдур”.

Эътиборли жиҳати, жадидларимиз миллий матбуот зиммасига “Муслмон жаридасининг вазифаси ўзининг саҳифаларини

“Биз Туркистонийларга газета ўқимок у қадар расм ва таомил эмас. Агар газета ўқимокнинг манфаатини билса эдук ёки газета ўқуб маъносига тушунса эдук, ҳатто бир нафас ўлсун газета мутолаасидан воз кечмас эдук.

ҲОЖИ МУИН





МАКТУБ

ОФАТГА АЙЛАНГАН ОДАТЛАР

Ўзбекистонда тўйлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича парламент ва жамоатчилик томонидан фаол иш олиб борилаётгани ҳақида эшитиб хурсанд бўлдим. Нега дейсизми? Чунки бу турлик ҳашамлардан биз – тожикистонликлар ҳам тоза куйганимиз. Ҳар гал бирор даврада тўй харажатларидан гап очилса, бир воқеа эсимга тушаверади.



...2007 йилда Ашт ноҳиясидаги Ошоба қишлоғини сел олган эди. Ҳамкасбим билан фалокат жойига етиб бордик. Одамларнинг руҳи сўник. Тушкунлик уй-жойга ачинишдан эмас, ҳалок бўлган ҳамқишлоқларига қайғуришдан келиб чиққан. Асрий дарахтларни илдизи билан кўпориб, оқизиб кетган сел ўн икки кишининг умрига зомин бўлган эди.

Бир хонадондан фотиҳа ўқиб чиқар эканмиз, ўттиз ёшлар чамасидаги йигит билан гаплашиб қолдик. Унинг оиласи офатдан зарар кўрмаган экан, лекин қишлоқдошларининг дардига шерик. Гапни ўзидан эшитинг: “Мен бу одамлардан қарздорман. Ҳар бири яхши-ёмон кунимда елкадош бўлиб турган. Икки қиздан кейин ўғил кўргандим, кенжамнинг қўлини ҳалоллаб, элга ош бермоқчи эдим. Энди тўйга атаганимни қийналган оилаларга бўлиб бермоқчиман. Шунга нима дейсиз, одамлар гапирса гапирар, бир кун қарчар ахир...”

“Мана бу ўғил боланинг гапи бўлибди”, деб унинг қарорини қўллаб-қувватладик. Ўша кунлари Тожикистон ҳукуматининг тантана, тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш борасидаги қонуни эълон қилинган эди. Тушунган одамнинг садақаси кетсанг арийди.

Суҳбатимизга ошобалик Умрзоқ Маматкулов ҳам қўшилиб, ёш отанинг ташаббусига асослан келтирди:

– Қонун қабул қилингунча тўй ўтказиш оғир эди. Элга ош бераман деб қора сочлар оқариб, оқлари тўкилиб кетарди. Ош деганингизга ҳам беш юз – минг нафарча одам айтиларди. Яна маслаҳат оши, сабзитўғрар, қариялар учун зиёфат, эркак оши, хотин оши деган даҳмазалари ҳам бор эди-да. Ўғлининг қўлини ҳалоллайдиган одам тўрт юз-беш юз килолик буқа сўйгани етмагандай, ҳар бир хонадонга олтигадан нон тарқатиши шарт эди! Офатга айланган бу одатдан қишлоқдан кўчиб кетганлар ҳам қутула олмас, Ошобага келиб тўй қилиб бериши шарт эди. Энди никоҳ тўйининг қандай бўлишини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг...

Ўзига тўқ оилаларнинг тўйига бўйлашаман деб қўл учига кун кўраётган оилалар қулোগича қарзга ботарди. Қарз деганининг кетидан етишмовчилик, жанжал, ур-сур, ажрим етаклашиб келарди. Ана шундай муаммолар гирдобига тушганда бир вақтлар “Оруз-хавасинг борми? Бир марта тўй қиласан: ёндир-майсанми!” дея пишанг берган валломатларни ернинг тагидан ҳам топа олмайсиз. Қайтага ўшалар биринчи бўлиб маломат тошини ёғдиради. Тўй қилиб, тўрваси йиртилганлар эса ўз ёғига ўзи қоврилиб қолаверади.

Эскидан азадор хонадонда уч кунга довуз қозон осилмасди. Бора-бора тобут уйдан чиқиши билан қўй сўйилиб, дастурхон ёзилладиган бўлди. Шунанга пайтда кимнинг кўнглига овқат сифар экан-а?!

Юқорида тилга олинган янги қонуннинг қабул қилиниши натижасида Тожикистонда тўй ва маросимларни ўтказиш тартиб-қоидалари белгиланди. Жумладан, хатна тўйи оила даврасида мол сўймасдан, санъаткорсиз ўтказилади. Никоҳ тўйида икки томондан 200 киши ва тўй зиёфати – никоҳ кечасига 150 киши қатнашади. Тўйдан олдин ва кейин бўладиган барча маросимлар тақиқланган. “Кувъчақирди” ва “келин юз очди” бундан мустасно. Шарт: қатнашувчилар 15 кишидан ошмайди. Базм уч соатдан ортиқ давом этмайди. Пул қистириш ёки сочиш тақиқланади.

Ҳаж ва умрага кузатиш ва кутиб олиш фақат оила даврасида ўтказилади. Ҳожи зиёрати, “ҳожи чақирди”, “ҳожи оши” ва

бошқа маъракалар ўтказиш, ҳаёда бериш, ҳожи яшайдиган маҳаллани безатиш ман этилган. Ахир ким ибодат қилса ўзи учун қилади, холис Аллоҳ ризолигини кўзлайди. Уни кўз-кўз қилишга нима бор? Таниқли ўзбек шоири Садриддин Салим Бухорий топиб айтганидай, “Таманнолар қилурсан ҳаж қилдим дея, қабул бўлди ё бўлмади, Худо билар”.

Яқин тарихни олсак, жадидлар ҳам исроф устига қурилган урф-одатларни қоралаган. Тўй ва бошқа маросимларнинг тараққиётга тўқинлик қилаётганини таъкидлаб, бу сарфу харажатлар болаларнинг илм эгаллашига тасарруф этилса, маъқул эмасми деб куйинган. Маърифатпарвар шоир Тавалло куйидаги сартларни бундан деярли 110 йил муқаддам ёзган:

*Симсиз бировлар сўйлашиб,
миллат ғамини ўйлашиб
юрганда, сиз тўй-тўйлашиб,
ҳеч бир уёлмайсиз ҳануз...*


Сўзимни улугъ маърифатпарвар Абдулла Авлониёнинг бир иқтибоси билан якунламоқчиман: “Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмини аямас”.

Яъни, энг яхши сармоя – илмга йўналтирилган сармоя. Хулоса ўзингиздан.

Ўринбой УСМОН
Тожикистон Республикаси,
Хўжанд шаҳри

ЯНГИ НАШР

Ўзбекистон
касаба уюш-
малари феде-
рацияси муас-
сислигидаги
“Vatan” ижти-
мий-сиёсий,
илмий-маъ-
рифий журна-
лининг жорий
йилдаги нав-
батдаги сони
чоп этилди.



“ВАТАН” ИЧРА САФАР АЙЛА...

Нашрнинг ҳар бир номери нафақат зиёлилар давраси, балки кенг ўқувчилар оммаси томонидан ҳам катта қизиқиш билан қарши олинмоқда. Сондан-сонга мавзулар географияси кенгайиб, материаллар салмоғи ортиб бораётгани ҳам бор гап. Бугунги зукко ўқувчининг саволларига жавоб бўла оладиган чуқур таҳлил, аниқ фактларга асосланган оригинал мақолалар, суҳбатлар ва таржималар, ўзига хос дизайн ҳамда сифатли фотосуратлар – барчаси яхлит композицияни ҳосил қилади.

Журнални шунчаки варақлаб бўлмайди. Яхши журнални ўқиш бу – меҳнат. Янги сондан ўрин олган “Мустақиллик одами” мақоласи ана шундай ақлий меҳнат талаб қиладиган кўлами кенг материаллардан бири. Унда таниқли журналист Карим Баҳриев жиддий саволларни ўртага ташлайди. Уларга донишмандлик билан жавоб беради, жавобларни мантиқан асослайди.

“Ўзбекчилик: миллий ифтихорми ёки тараққиётга тўсиқ?”,

“Араб халифаси нега туркларнинг дўпписини кийган?” сарлавхали материаллар тарих ва бугун ўртасига кўприк солиб, мулоҳаза юритишга ундайди. “Унутилган афсоналар” тадқиқоти эса мифологик қаҳрамонларнинг замонавий қиёфалари ҳақида ҳикоя қилади. XX асрдаёқ сунъий интеллект устида ишлаган ўзбек олим, алгоритм илми дарғаси Восил Қобилов ҳақидаги материал “Ўзбекистон академиклари” рўқидан жой олган.

Дунёнинг энг машҳур университетлари олимларининг Марказий Осиё тарихини ўрганиш мақсадида олиб борган изланишлари, эришилган натижалар, истиқболдаги вазифалар ва соҳага доир муаммолар ҳақидаги долзарб фикрлари ҳам журналхонларга бир олам завқ улашиши шубҳасиз.

2-сонда шу ва бошқа мавзудаги 20 дан ортиқ илмий, бадиий, тарихий мақолалар, таржималар, бадиалар, тақризлар билан танишишингиз мумкин. “Ватан” ичра сафарингиз мазмунли ўтишига тилақдошмиз!

Гулруҳбегим ОДАШБОВЕВА

ТИЛБИЛИМ



ТЎРТКЎЛНИНГ ЧОРСУГА АЛОҚАСИ

Тўрткўл шаҳрининг номини кўпчилик “тўртта кўл”дан келиб чиққан деб ўйлайди. Яъни, шаҳарда тўртта кўл бўлган ва ўз-ўзидан Тўрткўл бўлиб кетган. Жуда ўринли фараз. Яширмайман, мен ҳам худди шундай бўлса керак деб юракдим. Бир қишлоқ ёки шаҳар худудидида тўртта табиий сув ҳавзаси – кўлнинг пайдо бўлиш эҳтимоли паст экани ҳеч ҳаёлга келмаган.

Аслида-чи? “Девону луғотит-турк”да айтилишича, тўрткўл (törtkül) – асли тўртбурчак деган маънони англатади. Википедиядан Тўрткўл шаҳри тарихига оид маълумотни ўқиб кўрсам, бу шаҳар ростдан ҳам тўртбурчак шаклда бунёд этилган экан.

Эски шаҳарларимизнинг марказий бозор жойлашган худуди Чорсу деб аталган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, “чорсу” форсча сўз бўлиб, тўрт томон, тўғри бурчакли квадрат маъноларини билдиради. Тарихий шаҳарларда усти ёпиқ савдо-сотиқ жойи, яъни бозорнинг марказий, расталар кесишган ўрни “Чорсу” дейилган. Демак, тўрткўл ва чорсу сўзларининг луғавий маъноси деярли бир хил. Фақат бири оддий бозор худудига ўз номини берган бўлса, иккинчиси маъно жиҳатидан қулочини кенгроқ ёзиб, шаҳар мақомига эришган.

Элмурод НИШОНОВ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

БЛОГЕР

Бугун ахборот майдони шу қадар кенгайиб кетдики, гўё ҳамма журналистга айланиб қолган. Ижтимоий тармоқдаги саҳифаларига пост ёзган, видео жойлаган, фикр билдирган айримлар ўзини блогер хисоблаб қолган. Шу билан кифояланса-ку, майли, лекин улар ўзларини журналистлар қаторида кўради. Блогерлар сони ортиб бораётгани – замонавий тенденция. Бунга ҳеч ким қарши эмас. Марҳамат! Аммо ҳар ким ҳақдини билмоғи лозим эмасми? Журналист ва блогер ўртасидаги тафовутни фарқламаслик турли чалкашликларга сабаб бўлмоқда. Бунга эса марҳамат деб бўлмайди!

Журналистлик, бу – касб. Блогерлик эса мустақил фаолиятнинг бир тури. У кўпроқ шахсий услубда, тезкор ва эркин форматда ишлайди.

“Онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида эса

блогерларга шундай таъриф берилади: “блогер – ўз аккаунтида ёки оммавий ҳамжамятда ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа тусдаги контентни, шу жумладан, онлайн-платформа фойдаланувчилари томонидан ушбу ахборотни муҳокама қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс (онлайн-платформа фойдаланувчиси).”

Бунинг ижобий томони – муаммоларни тез ёритиш, маълум соҳа бўйича тизимли материал бериб боради. Бирок чегарани унутган, рейтинг учун шантаж йўлини танлаганлар ҳам йўқ эмас. Улар учун “лайк”, “просмотр” ва “рек” ҳамма нарсасдан устун. Ахборот бозорида ўзгани ҳам, ўзини ҳам сотишга ҳозир. Чунки ўз саҳифасини фаоллаштириб олгач, реклама орқали пул ишлайди, кимларгадир босим ўтказиши ва ҳоказо.

Дейлик, сохта ва шантажчи блогерлар Хушнуд Худойбердиевга ўхшаб таълим ва ҳуқуқ, Нурбек Алимов каби тарих, фалсафа ва сиёсат, Отабек Бакировдек иқтисодиёт каби муайян соҳани кенг ва чуқур ёритиб борса мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг



“Газета ҳар бир миллатнинг таржимони, тили. Газетасиз миллат тилсиздур. Зеро, тили ва адабиёти йўқдур. Ҳар кимнинг дунёда тириклик (хаёт) турмоғи учун ҳаво билан сув қандог лозум бўлса, ҳар кавмининг ҳаёти ва саодати учун ул миллатнинг матбуоти ва адабиёти бўлмоғи лозим. Ашуралӣ ЗОҲИРИЙ”

”

Отабек ИСРОИЛОВ
Фейсбук

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шўҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 655

Шундан:

Кирилл ёзувида – 7 942

Лотин ёзувида – 11 713

Медиа кузатувчилар – 49 749

Бююртма: Г – 639

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилими:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 22:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz